

МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИ

Фарғона тоңг отгүнча



821.512.123


И 85

МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙ

ФАФУР ТОНГ ОТГУНЧА

БИРИНЧИ КИТОБ

ҚАЪР ГУЛДУРОСИ



ФАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ
БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1969

„Фаргона тонг отгунча“нин
бириңчи китоби яна құлғынғызда.
Үқиған бұлсанғыз яна қайта үқинг,
ұқимаган бұлсанғыз албатта үқиб
чиқинг.

Сиз үнда *Fуломжон* билан Ҳаёт-
хон тақдиди орқали үзбек халқының
инқилобгача бұлған оғир үтмисини
күзгуда күргандек бұласиз.

**ТУЗАТИЛГАН
ИККИНЧИ НАШРИ**

Үз2

И81

Исмаилий Мирзакалон.

„Фаргона тонг отгунча.“ Роман.
К. І.— Т., Faур *Fулом* номидагы
бадний адабиёт пашріеті, 1969.
К. І. Қаър гулдуроси. 472 бет.
Тиражи 60 000

Исмаили M. Фергана до рассвета.
Роман. Кн. 1-я.

Үз2

7-3-3
1969

«Фаргона тонг отгунча» романы Мирзакалон Исмоилийнинг биринчи йирик асаридир. Лекин асар муаллифи қулига эди қалам олган тажрибасиз ижодкорлардан эмас. Унинг асари катта ҳаёт йўлининг адабиётда орттирган ўтиз йиллик тажрибаси натижаси сифатида майдоига келди. Мирзакалон Исмоилийнинг биринчи асари — «8 марта хотин-қизлар озодлик куни» драмаси 1927 йилда яратилди. Ҷаунчи кейинча бир неча очерк китобчаларини ҳам нашр эттириди. Бу ясарлар унинг адабий фаолиятида ижодий изланиш йўллари сифатидагина қимматли.

Лекин Мирзакалон Исмоилий номи адабиётнинг доим биринчи саҳифасида тилга олиниб келинмоқда. Унинг қобилияти бадиий таржимада ярқираб кўринди ва бу соҳада катта санъаткор даражасига кўғарилди. Мана, бир неча ўн йиллардан бери Мирзакалон Исмоилий бутун билим ва қобилиятини бадиий ижодининг мураккаб ва зорур соҳасига — таржимага багишлаб келмоқда. У жаҳон, рус классиклари ва совет ёзувчилари ясарларининг энг ноёбларини таржима этиб бебаҳо хазина калитини ўзбек китобхонига тутқазиб, уларни ажойиб маънавий бойлик оламига олиб кирмоқда. Мирзакалон Исмоилий қылган икки юздан ортиқ таржималар орасида М. Лермонтов, Л. Толстой, А. Чехов, А. Горький ва бошқа кўплаб ёзувчиларининг асарлари бор.

М. Исмоилий ёзувчи ижодий лабораториясига ва асар руҳига чуқур кириб боради, унинг ҳар бир сўзи бутун қудрати, латофати ва файзини равшаш ҳисе этишга эришади ва шундай қилиб, асар маимуни, гояси ва бадиинятини ўзбек китобхонларига тўла етказишига муваффақ бўлади. У таржимада оригиналнинг барча фазилатларини тўла-тўқис сақлашга эришган ҳалол ва заҳматкаш таржимондир. Таржима назарияси соҳасида иш кўрувчи адабиётшуносларнинг қайд қилишларича, М. Исмоилий таржималари юқори маҳорат мевасан сифатида зўр таҳсинга лойиқdir.

Катта мактаб Л. Толстой ижодий лабораториясига кира билиш, дохий санъаткорлар маҳорати сирлари билан ошна бўлиш — М. Исмоилийнинг ёрқин оригинал асарлар яратишида мактаб бўлди.

Ёзувчи катта санъаткорлардан, ҳаёт туғдирган минглаб воқеалардан кераклигини танлашни, уларни бир-бiri билан боғлаб, ҳаёт ҳақиқатини очиб берувчи ҳолга келтиришни, бадиий приёмларни ўз эстетик идеали учун хизмат қилдира олишни, айниқса, қаҳрамон психологиясини чуқур бадиий таҳлил этишни урганди.

/ Урганиш яхши натижа берди — «Фаргона тонг отгунча» романи ўқувчиларга манзур тушди, адабиётшунослар, таққидчилар асарни ижобий баҳоладилар.

Мирзакалон Исмоилийнинг «Фаргона тонг отгунча» романи темаси — революция арафасида, асримиз бошларидағи ўзбек халқ ҳаёти — ўзбек адабиёти, умуман, кўп миллатли совет адабиёти учун янгилик эмасдек туюлади. —

Биринчи ўзбек совет драматик асар — Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» сидаги Ғофир зулм ва ҳақсизликка қарши бош кутарди, асрлар мобайнида бирор нарсага ҳуқуқи бўлмаган, мол сифатида олиб-сотилиб келган аёл — Ҳамила «...бойнинг, бутун бойларнинг жазосини бер! Замонасига ўт қўй, ёндири!» деб ҳайқирди. Бу пьесанинг ёзилиши даврига назар ташланса, ярим асрдан бери саҳнада яшаб келаётганини ҳисобга олинса, бу умри боқий асарнинг бадиий юксаклигини ва тарбиявий аҳамиятини яна бир бор чуқур ҳис қилиш мумкин. Шунингдек, совет адабиёти олтин фондидан жой олган, ўзбек адабиётининг иттифоқ, қолаверса, жаҳон миёсига олиб чиқсан «Қутлуғ қон» романини олайлик. Ойбек Йўлчи образи орқали ўзбек халқининг ўз-ўзини англаши, уйгониши, революционлашиши ва ишоят, зулм ва хўрликка қарши кўтарилишини кўрсатади. Пиллар утиши билан, янги-янги китобхонлар авлоди туғилиши билан бундан ўттиз йил илгари яратилган бу асарнинг қиммати янада ошиб бормоқда. Давр, авлодлар имтиҳондан ўтган бу санъат намуналари тугалмас маънавий бойлигимизга айланди.

Давр тушунчаси, тема тушунчаси жуда кенг ва иисбий тушунча. Бирор босиб ўтилган йўлдан қайталаб юрилар экан, ҳар бир санъаткор ўз савиаси, дунёқараши ва ишоят, маҳорати кучига қараб мураккаб ҳаётни ўзича кўра билishi, тушунтириши табиий. Бунинг учун у дадиллик, жасорат билан бирликда ўзигача айтилмаган янги фикр, кузатишларга эга бўлиши керак. Мирзакалон И.Исмоилий мана шундай санъаткорлардан. Ёзувчининг айтадиган салмоқли фикри ва бу фикрни ўқувчига манзур қилиб етказадиган ўз йўли бор. М. Исмоилий ташлаган даврни чуқур ҳис қилган, қаҳрамонлари кўнглини, мураккаб кечинималарини яхши билгац ёзувчилардан.

Унинг қаҳрамони Ғуломжон Йўлчи ва Фоғирларнинг төпгдоши, даврдоши. У ҳам эзилади, орзулари рӯёбга чиқмайди, севгилиси билан бирга бўла олмайди, аввалига ҳеч нарсага тушунмайди, ўз дарди ва ташвиши билан банд, бу кечинмалар уни аста-секин ҳаётга кенгроқ, чуқурроқ қарашга ўргатади, курашчига айлантиради. Бу, маълум даражада «ташқи», ниҳоят умумий ўхшашлиқ. «Ичидан» қараганда эса Ғуломжоннинг тақдиди, характеристи, фикр-мулоҳазалари, кўргиликлари билан ўзбек адабиётида шу давргача яратилган бирор қаҳрамонга таққослаш қийин. Ғуломжон фаргоналик ўзига тўқ, прогрессив оиласининг ягона фарзанди. Ота-онаси эса шоиртабият, ҳисснётга бой, таъсирчан, хушвож, кўркам ўғлиниң орзу-ҳаваси билан яшар, қўлларидан келганича замонасиининг илфор, ўқимишлни кишини бўлиб етишиши учун ҳаракат қилар эдилар. Ғуломжон билан ота-онаси орасидаги самимият ва эҳтиром асосига қурилгани муюмала, ягона ўғил тилак-орзулари билан ҳисоблашишу, муҳаббатини ҳурмат этиши остида чуқур миллий замин ётади. Ўзбек маданий оиласирида, айниқса Фаргона томонда фарзандни ҳурматланни «сизлани», ота-оналик ҳуқуқларини сунистеъмол қилмаслик тиник бир ҳол эди.

Ғуломжоннинг нозик қалбига ҳамма нарса — ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам тез таъсир қиласди. Характеридаги сезирлик, атрофидаги воқеаларга бефарқ, совуқоплик билан қарамаслик хусусияти Ғуломжоннинг ҳаётга чуқурроқ қарашга, унинг тўғрисида обдан муҳоҳада юритишга олиб келди. Фаргонанинг тўкини кузидан завқлантири Ғуломжон «жаниат, жаниат, дейишади-ю, жаниат деганлари Қорабудогимиздан яхшимикан» деса, шу ажойиб тўкини табиат қўйнида тирикчиликни бир амаллаб ўтказиш, бир бурда нон учун болачақин билан қўнгича қўшишиб ер ҳайдётган Матқовул ҳолати унга таъсир қиласди: «Эҳ-», мен дунёнинг оқу қорасига тушуни мас эканман, жаниат деганим дўзах эканидан бехабар эканман!» деб кўнглидан ўтказди. Езувчи Ғуломжонни ҳаёт мураккаблигида, турли зиддиятлар билан тўла воқеалар қўйнида шакллантиради. Уқувчи унинг илк севгисининг гувоҳи бўлади, у орқали мадраса ҳаёти, унда тақсил курастган талабалар билан танишади. Уқувчи Ғуломжон ҳаётнига кот берган воқеалар поҳиди бўлгани бош қаҳрамон атрофидаги кишилар билин таниша боради. Езувчи ўз қаҳрамонига ҳаётда енгил бўйл ташлатмайди. У ҳеч нарсага ососликча етишмайди. Унга «тақдир» олий туйғу — муҳаббат ато этди — барбод бўлди, болаларга оқкорани ўргатмоқчи, замонасиининг маърифатли кишилари бўлиб етишшини ёрдам қилмоқчи бўлди — синфиға ўт қўйдилар, динсизликда айбладилар, кишилар ҳаётини енгиллатиш, тирикчилигини эпақага солини учун сув чиқариш керак булди — меҳнати натижасиз бўлди. Шундай қилиб, Ғуломжоннинг одамларга келтирмоқчи бўлган фой-

даси, яхши ниятлари доим қаршиликка дуч келди, барбол бўлди. Лекин нега шундай бўлаётганини, бунинг сабабларини қаердан қидириш кераклигини Ғуломжон ва унинг атрофидаги ҳамфирклари — дўстлари ҳали билмас эдилар. Ёзувчи уларни билдиришга шошмайди ҳам. Чунки асрлардан бери худо-обло номи билан қўрқитиб келинган — худо бирорни бой, бирорни камбағал қилиб яратган, ҳамма нарса обладан деган тушунча улар онгига сингиб кетган.

Ёзувчи Ғуломжон онгини, ҳалқда туғилиб келаётган норозилик туйғуларини қандайдир абстракт йуллар орқали эмас, балки кундаклик ҳаёт воқеалари орқали ўстиради. Ёзувчи норизолик туғдирувчи, сиёсий онгни ўстирувчи воқеаларни ишонарли далиллаган. Ғуломжоннинг мадрасани ташлаб кетиши, ўзи ташкил қилган синфга ўт қўйилиши сабаблари ва ниҳоят севгилиси билан топишшилари йуллга қўйилган ғовларнинг ўзи уни ҳаёт устида, ҳукм сурған тартиблар устида чуқурроқ ўлашга даъват этиши етарли эмасми? Бу воқеалар Ғуломжонни революционер Қудрат ва Ольга Петровна билан танишишларига олиб келмайдими? Ёзувчи диндор Ғуломжоннинг динга ва дин ҳомийларига шубҳа билан, нафрат билан қарашира етарли замин яратган.

Ёзувчи воқеаларни доим ички зиддиятлар асосида ўстиради. Мирзакалои Исмоилийда фош қилиш қобилияти кучли. Дин аҳллағини — Камолиддин маҳдум, Асад қори, шариат қозиси Ғиёсиддин аъзам билан ҳамфикр бойлар, мингбоши ва ҳокимлар образларининг асарда жонли чиқиши, ҳар бирининг ўз қиёфасига эгалигини таъминлаш, буларга қарши турган меҳнаткаш ҳалқ оммаси вакиллари салмолини, курашлари аҳамиятини оширган. Муаллиф илдизлари ниҳоят чуқур кетган, бир-бирини доим қувватлаб келган кучли ҳукмроғ синфига қарши қаратилган ҳалқ курашини оғир ва машаққатли эканини доим назарда тутади. Ёзувчи ичидан зил кетган, лекин бор кучи билан пул-давлат, амал, мартабага ёпишган ҳукумат доиралари, дин арбоблари образини, уларни ўзига мос тушадиган йўл билан яратган. Улар ўз-ўзларини фош қилиб борадилар. Қўринишидан ҳалқ, меҳнаткаш ташвиши, тақдири билан банд кўринган уламоларнинг фикрлари аслида фақат ўз манфаатлари йўлига қаратилганини уларнинг «ўзлари» изҳор қиласидар.

Корабулоққа ҳоким келиши хабари тарқалади. Бу қишлоқ учун катта воқеа эди. Солиқларни вақтида тўлай олмаган бева-бечора-ларнинг ташвиши ортади — улар ҳокимдан яхшилик кутмасликни биладилар. Ёзувчи бир кичик деталь орқали бутун колониал зулм фожиасини курсатишга муваффақ бўлган. Ҳокимнинг қишлоққа келиши хабари бир зумда тарқалади. Бу хабарни эшитган Барат полевонининг ўғли югуриб, онасиға хабар беради:

«— Буви, ҳоким келармиш!

— Вой үлай! — деб юборди онаси ўнг қўли билан ўз бетига шаш эткизиб уриб». Еш, ҳаётга энди кирп келаётган боланинг ҳолати ва бу гашниг онасига кўрсатган таъсири — колониал зулм остида эзилган меҳнаткашлар психологиясини яхши очиб беради. «Бечора» қишлоқ әгалариининг ҳам ташвиши ортади — ҳокимга ёқиши, ўз лавозимида қолиш ёки тузукроқ жойни әгаллаш осон эмас-да. Бундай ташвишидан мингбоши, додхоҳ, Асад қори, Қорабулоқ бўлишине шарнат қозиси Гиёсилдин аълам ҳам четда қолмайдилар. Мачитта бомдод намозини ўқишига кирган бу уч шахснинг фикри хаёли ҳокимни кутиб олиш ва ундан бир наф кўришдан иборат эди. Бушинг натижасида намоз қоидаси шарнат қозиси томонидан бирин-кетин бузилади. Уламолар фикрлари, кечинмалари, хаёллари, иланлари дам ўз тилларида, дам бу воқсанинг гувоҳлари бўлғанилар томонидан шархланади. Ёзувчининг «ўзи» ҳам аралашиб, баъзи қараашларга тушунтириш киритади, таҳлил ҳам қилиб ўиди.

Ҳоким келишинига багчиликланган боб кучли сатира ўти билан тасвирланади. Романининг энг ёрқин саҳифалариданadir. Чунки ёзувчи шу воқеани беринида ягона мос пўл, оҳанг топган. Лекин ҳар доим ҳам ёзувчи топган йўл ўзини оқлайвермайди, айтмоқчи бўлган мазмунига мос келавермайди. Бу Гуломжон ва Ҳаёт муносабатларида рўй берини айниқса ачинчарлидир. Ёзувчи маълум бир ергача Гуломжон ва Ҳаёт севгиларини ифодаловчи картиналарни ўқувчига ҳикоя қиласиди, кўрсатади. Ўқувчи Гуломжон ва Ҳаётлар муҳаббатининг гувоҳи бўлиб боради. Орага ҳоким келиши воқеаси ва тоғишлари чиқиб Гуломжон ва Ҳаёт савдолари иккинчи планга ўтиб туради. Ёзувчи шу ўтган давр ичиде улар ҳаётида содир бўлган воқеаларини таънишади Гуломжони ҳикояси орқали билдиради. Гуломжон ўти Бахромга бошидан ўтганларини — ёшлиги, мактаб ва мадраса ҳизомаларини айтиб, ниҳоят Ҳаёт билан боғлиқ бўлган воқеалирни ҳам ҳикоя қиласиди. Гуломжонига бундай вазифани юклаш тўғри бўлмаса керак. Чунки Гуломжон вазмин, ҳаёли йигит. (Ҳаётни биринчи кўришдан севиб қолган Гуломжон «Одоб ва ҳаё-чи? Отани олдила одобин унусин, ҳаёни поймол қиласими?» деб ўйлади-ку!), севгиси тўғрисида биронга оғиз очинши уят деб билади. Гуломжонда бошидан ўтганларини ким биландир дардлашиш истаги тутнини мумкин, лекин бу тарзда очиқдан-очиқ гапириш унинг характеристига хос эмаслиги сезилиб туради. Айниқса, вафо, садоқат ҳақидаги мулоҳазалари ҳам ўзининг дадиллиги, қатъийлиги, узундан-уоклиги билан ўқувчи ғашинга тегади. ¶

М. Иемоний Гуломжон ва унинг севгилисиги Ҳаётхонлар томонида. Замон улардан зўр чиқиб уларни бир-бирларидан айирган бўлса ҳам, улар маънавий кучли бўлиб қоладилар. Гуломжонлар-

нинг маънавий устунлиги доимо таъкидланар экан, бу фоя катта мантиқ ва одоб билан ўтказилади. Уларнинг ҳар бир муваффақиятларида душманларининг саросималаниши — ўқувчи қалбида қувонч, мамнуният уйғотади. Айниқса / Фуломжоннинг Жўрахонлар томонидан уюштирилган туҳматнинг асоссиз эканини чуқур мантиқ билан исботлаши—асарнинг энг таъсири моментларидандир. Фуломжон ва Ҳаётнинг фожиали севгилари орқали даврнинг энг мудҳиш томонлари — социал тенгсизлик туғдирган табақаланишнинг ярамас оқибатлари кўрсатилган. Фуломжон билан Ҳаётнинг бирга турмуш қуролмасликлари, кўринишидан бирларининг хўжа, бирларининг фуқаролиги бўлса ҳам, аслида ҳамма иллат социал тенгсизликда эканига урғу берилади. Ёзувчи севги воситаси орқали ҳукмрон синф вакилларининг кирдикорларини фош қилиб ташлайди. Хўжа ва фуқаронинг бирга турмуш қуришларига шариатда асло йўл йўқлигини исботлаган шариат қозиси Ҳаётни, келиб чиқиши фуқаро, лекин замонанинг зайди билан миршаб бўлиб қолган Мирқосимга никоҳлайди. Унинг хўжа эканига гувоҳлар ҳам топилди.

Ҳаётнинг фожиали тақдирни давр айбномаси даражасига кутарилади. Инсонни хўрлаган, олий туйғусини — севгисини поймол қилган, эски урғодатлару, уни доим ишга солиб ўз фойдасига хизмат қилдирган ҳукмдор синф вакиллари айбномасига айланади. Инсонни хўрлаш шунчалик бўладими! Бу кекса дунёда Ҳаёт қисқа, ҳақоратларга эса тўла умр кўрди. Ҳаёт ўз давр қизларига қараганда анча актив, у Фуломжон билан бирга булиш йўлида анча дадиллик кўрсатди. Лекин у тарбияланган муҳитидан узил-кесил чиқиб кета олмади. Муҳаббатини охиригача ҳимоя қилишга ожизлик қилди. Динни маҳкам қурол қилиб, халқни эзувчиларга қулдек итоаткор қилиб қўйган шариат пешволарининг фош қилиниши, айниқса Ҳожи хотиа воқеаси билан янада таъсирилдир. Ёш мусулмон аёлини йўлдан урган, уни фаҳш йўлига солганлар ҳам динни қаттиқ ушлаган, тавба тазарру билан ҳажга бориб гуноҳларини сўраб келаётган мусулмонлар. Ич-ичидан бузилган ҳукмрон синфи диндан ўз манфаати йўлида фойдаланиши, мусулмончиликни ниқоб қилиб турли бузгучилик билан шуғулланувчи бойларни фош қилувчи бу воқеа Фуломжон билан етарли боғланмаслиги бу тафсилотни маълум дараҷада аҳамиятсиз қилиб қўйган. ¶

Ёзувчининг ҳар вақт ҳам асар воқеаларини бевосита ёки билосита Фуломжон атроғига уюштирилмаслиги, уни Фуломжон «фойдасига» хизмат қилдирмаслиги патижасида «ўз ҳолича» қизиқ бўлган тафсилотлар ўринисиздек туялади. Буни ҳаётга энди кириб келаётган (асарнинг бошқа китобида биринчи планга ўтиши мўлжалланган) Диашод ва Тўтихонлар «можароларини» Фуломжон тақдирни билан боғланмаслигига ҳам кўриш мумкин.

Гуломжон оғир, вазмин, чидамли, маълум даражада пассив халқнинг вакили. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам чегараси, ниҳояси булади. Доимий зулм, ётишмовчилик, ҳақорат «пассивлар» асабини қўзғади. Асарда инсоннинг инсонлик қадрини поймол этилишига энди чидаб бўлмаслик, халқнинг сабр-косаси тўлиб ҳаракатга келаётган бир даври акс эттирилади. Норизолик замини ётишиб турган бир пайтда рус революционерлари ўзбек меҳнаткашларига ёрдамга келдилар, йўл кўрсатдилар. Бу ғояни ўтказиш Ольга Петровна ва қорани бошиқалардан олдинроқ таниган Қудрат устига юкланди. Лекин бу икки образнинг «жонсиз» бўлиб қолиши — булар билан ботлиқ бўлган ғояни асар воқеаларига сингдирилнишига путур етказган. Қудрат билан меҳнаткашлар орасида маълум даражада узилиш бор. Қудрат дунёқарashi, ҳаётни, сиёсатни тушуниш даражасидан мустасно — илдизлари ўз заминидан узилган шахс бўлиб қолган.

Лекин умумин олганда, романда ўзбек халқининг революция ирағасидаги маънавий ва сиёсий ҳолати жонли тасвирланган. Улув Оқишибири социалистик революциясининг Фаргонада, Туркистанда ғазлиба қодошини қўпаний бир ҳол экани, меҳнаткаш халқ ҳаётни қайдалан қуришига қодирлиги процесси реал кўрсатилган. Ёзувчи халқнинг ўйтганинига, ўз-ўзини аинглашига сабаб бўлган асосларни — эксплуататорларнига ишқоят кучайгани, ҳокимларнинг ҳаддан ошиб, халқ билан ҳеч ҳисоблашмай қўйганини Ниёсiddин аълам, Тешабой, Фосиқ афанди, Ҳоким образлари орқали реаллаштирган. Ёзувчи эксплуататор сипфлари образларини қанчалик биринчи планга чиқармасин, кўн ўришларда бу образларни нисбатан жонли яратмасин, барибири буларга қарама-қарши турган синф меҳнаткаш вакилларини доим асосий лиққат марказида тутади. Ўқувчи доим маънавий бой, катта ишларга қодир халқни ҳис қилиб туради. Давр ўзгарали, одамлар ҳам, улар характери ҳам ўзгаради. Айниқса, романнинг иккичи китобида бу яққол кўриниди. Адолатсизликдан зулм кўрган Гуломжон аста-екин онгли революционерга айланди. Гуломжонларнинг сафи кўпайди, қўзголончилар қаторига ёш авлод вакиллари Замон, Дилиподлар, Усубали ва буларга завод ишчилари Турдимат ва Мурам исалилар келиб қўшилди. Воқсалар ривожи жараёнида қаҳрамонлар тақдиди, улар ташлаган йўл белгилана боради. Дилипод революционерларга келиб қўшилди. Қоҳирада таҳсил қўргани Жамолиддин ҳам шу йўлга ўтди. Чет эллардан қайтган Ашур Мирзо бўлса ўз Ватани, халқи хонинига айланди. Ҳали реакция кучли бўлининг қарамасдан давр руҳи ўзгаришини, халқ бурони яқин эканлигини биз ҳамма нарсада кўрамиз. Ташқи жиҳатдан ўз мавқеини йўқотмай бойвачча Тешабойнинг ҳам таги зил кетди. Оилавий баҳтига «кўз тегиши», уйининг бузилиши Тешабойлар ҳаётини бузилиши рамзига айланади. Ҳаётхон тақдиди сингари Тўтихон тақди-

ри ҳам фожиали бўлди, Дилшодидан уни айрдилар, лекин улар баҳтининг юришиб кетишни мумкинлигига уқувчи умид қиласди. Катта, мураккаб давр воқеаларини ёзувчи асосий бир мақсадга революция арафасидаги ҳалқ кайфиятини, норизолик туғдирган, сиёсий онгининг ўсишига сабаб бўлган асосларни таҳлилига қаратган.

Ўқувчи асар воқеаларини Фарғонада бўлиб ўтаётганини доим ҳис қилиб туради. Бу ўлканинг ўзига хос бой манзаралари, фаргоналикларнинг қувноқ табиати, санъатга ихлоси, қувноқ юмори, урфодатлари асар руҳига сингдириб юборилган. Тирикчиликни бир амаллаб ўтказиш ташвиши меҳнаткашни олий туйғулардан маҳрум қилмаган. Инсон табиатан гўзалликка интилади, келажакка умид билан яшайди, юмор билан ҳаётини безайди. Мана шу оптимистик руҳ ўқувчи диққатини дўим асар воқеаларига тортуб туради, унга ғавқ багишлайди.

Муаллиф ҳозирги кунда трилогиянинг якунловчи китоби устида иш олиб бормоқда.

МАШҲУРА СУЛТОНОВА
филология фанлари кандидати

БИРИНЧИ ҚИСМ



ҚАЙТИШ



Биринчи боб
КИМ ЭҚАН Ү ҚИЗ?

Үтгай асрииңг сұнгги кузы Қорабулоққа очық чеңра
билап келди. Үннің гүлгүн сиймосидан узоқ вақтларгача
шур аримади. Ахири октябрь ойи ҳам тугади, үрик яп-
роқларын сөвүкда үйнаган ёш болаппнг лүппи юзидай
қыларды, шунда ҳам осмонда бирон парча булут күрин-
миди. Қундулары қүеш саратондагидай қиздириб турди.
Дәхқон осмонта қараб яхши ҳаводан қувонса, ерга қа-
раб мұл ҳосилдан суюнади. Далаларда иш қайнайды:
кимлар пахта теради, кимлар беда үради, кимлар шуд-
тор қылади...

Илк сағардан то қора кечгача одамлар тиним бил-
маган ана шу күнларнинг бирида, қүёш эпди тиғ ёя бош-
лаган салқии сабоңда Қорабулоқ қишлоғидан бири кек-
са, бири ёш иеки отлиқ чиқиб келаверди. Ингичка, узун
бөқларниң чаққон босиб, чиройли бошини азод күтариб
келаётгай қашқа саман бирдан пахса девор томонга бу-
рилди. Әнидаги қорабайир буни сезди шекилли, бир не-
ча одим үтиб, қадамини секинлаштириди. Отлиқ қайри-
либ қаради. Пиёзи чакмонининг барини тақимига қисиб,
қора баҳмал ҳошияли оқ қалпоғини бостириб олган
хүшрүй йигит баланд пахсадан осилиб тушган беҳи шо-
хига қараб борар әди. «Бола-да, мурти сабза уриб қол-
ған бұлса ҳамки, болалигини қўймайди, беҳига ҳуши
кетди», деб үйлади қорабайирдаги кекса киши.

Саман отлиқ қамчисини буқлаб, пиёзи чакмонининг
ёқаси билан гардани орасига қистирди-да, отини қистаб
деворга яқинлашди. Шохда беҳилар осилиб ётар әди.
Отлиқ шохни ушлади, уни авайлаб үзига тортди, кейин
беҳилардан бирининг чанг босған тукини қули билан
артди, қалпоқли бошини энгаштириб уни ҳидлади, яна
жидлади...

«Узид олади!» деб ўйлади нариги ёқдаги кекса отлиқ.

Лекин у узмади, у шаҳло кўзларини барала чақнатиб ҳамроҳига қаради.

— Ота, манави беҳиларни кўринг, ҳиди оламни тутади, бирам пишибдик!— деди саман отлиқ беҳи шохларига ишора қилиб.

Ҳамроҳи унга қиё үгирилиб кулиб турар эди.

— Ҳўанави нашватини қаранг, ўғлим,— деди у девордан анча ичкарида меваларининг кунгай томонлари қизариб турган нашвати дараҳтига имо қилиб.

Саман отлиқ беҳи шохини аста қўйиб юборди. Ҳамроҳи имо қилган нашватига қараб анчагина жилмайиб турди. Чеҳрасида ошкор баҳтиёрлик бор эди.

— Жаннат, жаннат, дейишади-ю, жаннат деганлари Қорабулогимиздан яхшимикан?!— деди у ўзида йўқ қувониб.

Ҳамроҳи жавоб қилмади, отининг тизгинини силтади. Йигит ҳайрон бўлиб, унинг орқасидан бир зумгина қараб турди. «Қалтис гап қилдим шекилли», деб ўйлади-да, ҳамроҳига етиб олиш, ундан узр сўраш учун отига қамчи босди. Лекин саман олдинга ташланмади, пишқириб бирдан орқа оёқларига туриб олди. Ҳамроҳи саманнинг бенжо пишқирганини ва олдинги оёқларини кутаргандан чиққан дупурини эшишиб, чўчиб орқасига қаради. Йигит тизгинни маҳкам ушлаб, от ёлига ёпишиб турар эди.

— Маҳкам ушланг, йиқила курманг!— деб ҳамроҳи бирдан қичқириб юборди. У қурқиб кетган эди.

Саман йигитни орқасига йиқита олмаганидан кейин, энди шартта отиб олдинга улоқтиromoқчи бўлди, лекин йигит маҳкам утирас, қўрқиш, ранги учиш ўрнига ҳадеб кулар эди. Ҳамроҳи отга етиб келиб, саманни жиловлаб олди: ранги учган, текис тарашланган оппоқ соқоли титраб турган эди.

— Ҳай-ҳай, худо бир сақлади!— деди чол, кейин янги қора чопонининг симжияк ёқасини сал очиб, қовурғалари куриниб турган кекса кўкрагига бир-икки туплаб сўради:— Нимага бунаقا қилганини биласизми?

Йигит билмас эди, шунинг учун бўлса керак, катта, чиройли кўзларини жавдиратиб:

— Невлай,— деди.

Ҳамроҳи мўмин, меҳрибон кўзларига ёт куришган бир қуввлик билан кулимсиради.

— От жонивор жуда эслик келади...

— Бўлмаса, мени хушламабди-да? — деди йигит, чол сўзини бўлиб.

Чол дудмол қилиб йигитга қаради. Йигит ҳам унга қаради. Чол юзида изтироб кўлкаси бор эди.

— Ота, тобингиз жойидами? — деб суради йигит ташвишланиб.

— Тобим-ку жойида-я, ўғлим, лекин отингизнинг қилиги бир нарсанни эсимга тушириб юборди.

Чол от жиловини силтади. Отлар юриб кетди. Йигит ёнда сўз кутиб борди, лекин чол ҳадеганда гапиравермади.

— Нимани эсингизга туширди, ота?

— Кейин, вақти билан айтиб бераман.

Ота-бала анчагача жим борди. Ўртага оғир сукунат тушди. Ота ўз ўйлари билан, бола эса отаси чеҳрасидаги ғамгиналик сабабларини қидириш билан машғул эди. Ўи юрак иста-секин қарорини йўқота борди. Уни гоҳ куз қуёшида оппоқ кўксини тоблаб ётган пахтазорлар олиб кетар, гоҳ қовун капаларда сайраётган беданалар ғонитар, гоҳ теримчиларнинг узоқ-яқинлардан эшитилиб қоладиган ашуаллари яйратар эди. Баҳор бўйи, ёз бўйи заррама-зарра йиққан бунёдини буюк саховат билан дехқон этагига тўкаётган мана шу олтин кузда унинг юраги қафасдан чиққан қуш юрагидай яйрай бошлади.

Бўлиқ кўкатлар ўртасида ўтлаб юрган қўйларни курганди, ана шулардай уйноқлагиси келарди унинг. Табиат ўз тилида роз айтиб шувиллар экан, йигит бундан ўз қувончилик мадҳини ўқирди. Юрагига қанот берган шу пжойиб ҳислар таъсирида бирдан отини чоптиргиси келиб кетди. Қамчини кутарди-ю, яна секин ёнига туширди. Чол буни сездими ё ўзичами:

— Чопгингиз келдими, ўғлим? — деб суради.

— Йўқ, йўқ,— йигит қизаринқираб ерга қаради, боя қамчи босгандা саман қилган қалтис шўхлик эсига тушиб кетди.— Узим...

— Хоҳласангиз чопинг, баҳрингиз очилар,— деди чол.

— Йўғ-е, жониворни уринтириб нима қиласман, ўғингиз ҳам ишга солмай боқаётганга ўхшайсиз.

— Нимага? — Чол ажабланди.— Дехқоннинг оти булади-ю, ишга солинмайдими? Баҳорда чунонам қўш торттики, жонивор, қорабайирни нақ кўк терга тушйириб юборди. Зур от.

Отлар бир-бирига туташ икки дала орасидаги эгат-

га келиб тұхташди. Йигит чаноқлардан тошиб чиққан оппоқ пахталарни курди-ю, үзининг ҳам ёш чеҳраси шу чаноқлардай очилиб кетди. У үзларининг даласини билар эди. Пахталарнинг қийғос очилиб турганини күриб ажабланди. Қайси куни отаси, «иккинчи теримга тушамиз», дегандек бўлиб эди. Қизиқ, пахталар ҳеч терилганга ухшамайди-ку?

— Ҳали ҳам тердирганингиз йўқми, ота?

— Бир марта терганимиз, ўғлим. Яна уч-тўрт кундан кейин иккинчисига тушамиз.

Йигит ялт этиб құшни далага қаради. У ерда хотин-халажлар, бола-чақаларчувиллашиб пахта теришаётган эди.

— Бу Мадаминхұжанинг пахтаси,— деди чол, йигит қараб турган томонни күрсатиб.— Қани, ҳайданг отингизни, ўғлим, хұждан ҳол-аҳвол сураб ўтайлик.

Мадаминхұжанинг хирмони дала этагидаги каттакон тол тагида эди. Ота-бала уша ёққа қараб кетди. Отларни хирмон яқинидаги каллак урилган тутларга боғлаб, үзлари хирмонга пиёда боришли. Хирмонда алоҳида-алоҳида түкилган пахталар деваланиб ётар эди. Мадаминхұжа тол соясида чой ичиб ўтирган экан, буларни күриб дарров үрнидан турди.

— Э, Вали ака, келинглар, келинглар,— деди у бир неча қадам пешвозд юриб.

— Ассалому алайкум, ҳорманг энди, эшон!¹ О, бара-калла, теримни тугатиб қўйибсиз-ку!

— Ваалайкум ассалом. Ҳа, яқинлашиб қолдик,— деди Мадаминхұжа чол билан күришиб. Кейин йигитга қўл чўзди.— Ана холос, қорини олиб чиқибсиз, билсан палов килиб ўтирадиму!

Йигит уялинқираб кулиб қўйди.

— Қани, тұшакка ўтириңг, Вали ака. Э-э, бу ёққа чиқинг, Ғуломжон, отангизнинг ёнига, ҳа,— деди Мадаминхұжа меҳмонларга парвона бўлиб.

Вали ака фотиҳага қўл кўтарди.

— Омин, ҳосилга барака берсин.

— Омин!

Мадаминхұжа ўтирган еридан хиёл қўзгалди-ю, қўл қовуштириди:

¹ Эшон — хўжаларнинг номи үрнида ҳурмат қилиб айтиладиган сўз (*муаллиф*).

— Хуш келибсизлар.

— Хушвақт бўлинг.

— Аммо Гуломжонни хўб олиб чиқибсиз-да, Вали ака,— деди Мадаминхўжа йигитга кулимсираб туриб.— Гулом қорининг ашуласини жуда соғиниб қолдик. Биринкита ашула қилиб бермаса, биздан осонликча қутулмайди.

Гуломжон ҳам ўтиргац ерида хиёл қўзғалиб кулимсиради.

— Ашула сиздан айлансин, эшон, айтиб беради, бироз нафасини ўнглаб олсин,— деди Вали ака.

Мадаминхўжа дастурхон солди, нон ушатди, кейин каттакон бир гурскеттини келтириб пичоқ тортган эди, қовун торс этиб ёрилди.

— Жонивор, хўб етилибди-да,— деди Мадаминхўжа қовунини кося қилаётсиб.

— Вой жонивор-еї, асал бўлиб кетибди-я! Бай-байбай!

— Ия, Қорабулоқнинг эркак сувини ичади-ю, яна асал ҳам бўлмайдими!

Шуни айтинг,— деди Вали ака,— Қорабулоқнинг суви билан ери етти иқлимда йўқ. Ҳали ўғлим «жаннат» деди, тўгри айтади. Қорабулоқ ерига тош ташласангиз, жавҳар қилиб чиқариб беради.

Гуломжон гапга аралашмади, қовундан ҳам ёйилиб смади, хирмон орқасидаги теракзорда сайраётган булбул поласига ҳуши кетиб ўтири, тез-тез ўша томонга қараб, булбулни хаёл кўзлари билан қидирар эди. Шу қарашларининг бирда хирмонга пахта кўтариб келаётган бир аёлга қўзи тушди. Аёлнинг бошида эски чопон бор эди. У пахтасини келтириб хирмондаги энг катта тўпга тўка бошлади. Гуломжон унинг оппоқ, момиқ қўлларини кўриб: «Ёш экан», деб ўйлади. Аёл пахтасини тўкиб бўлгунча Гуломжон унга ер остидан разм солиб турди. У этакка илашиб қолган пахталарни қоқаётганда, бошидаги чопон бирдан сирғалиб тушиб кетди. Гуломжон унинг жамолини куриб сурат бўлиб қолди. Ўн беш ўн олти ёшларда, юзлари ширмондай, чиройли қиз эди у. Гуломжоннинг тикилиб турганини сезгандек, қиз ҳам чопонини олатуриб йигитга ер остидан қараб қўйди. Шунда кўзлар тўқнашди. Гуломжоннинг юраги шифтиб кетди. Қиз унга бир табассум ҳадя қилиб хирмондан тез чиқиб кетди. Гуломжон орқадан қараб қолди.

Аммо қиз узоқ кетмади, ўн қадамча нарида тұхтаб, бөшидаги чопони ичидан бир қиё боқиб қўйди.

— Шунаңа эшон, дәхқон қишин-ёзин ишлайди-ю, кузга бориб илиги қурийди. Гур азоби билан етиштирған пахтасини заводға келтириб сув текин сотади,— деяр эди куюниб Вали ака.

Мадаминхўжá бошини чайқади.

— Шунаңа дейсизу, оқсоқол, бошқа иложи бұлмагандан кейин дәхқоннинг қўлидан нима ҳам келади?— деди у.— Ўзимиздан қиёс-да. Болта күпас¹дан ёзда пул кутаралмиз, а? Кузда-чи? Бор пахтамизни келтириб тоширамиз. Қарзимиздан қутулсак, худога шукур, қутулмасак яна бой елкамизда-да.

— Болта күпас Миркомил²дан қолишмайдигап юҳо чиқиб қолди. Пахтани пахтада ютади, мевани мевада. Оббо ноинсоф-эй, Ширмонбулоқнинг этагидаги қора тупроқ ерларни ҳам қўлга киргизиб олди-я!

— От бозорга завод солдиармиш, эшитдингизми, оқсоқол?

Вали ака калласини қимирлатди, кекса юзи тумшайди, аммо буни Ғуломжон күрмади. У чоллар суҳбатини эшитмас, хирмон орқасидан кўзларини узолмас эди. Үидаги безовталик авжига минган сари кунглида ашулага иштиёқи кучайиб борарди. Ғуломжоннинг ўзи хира булиб эмас, бошқалар хира бўлаверганларидан кейингина ашула қилиш одати бор эди, ҳозир эса, нима учундир, ўзининг ашула айтгиси келар, қариялар тезроқ суҳбатларини тугатишса-ю: «Қани, Ғуломжон, бир-иккита ашула қилиб беринг», дейишса, деб юзларига қараб-қараб қўяр эди. Отаси унинг кўзларидаги илтижони уқтиими, ахiri:

— Қани, ўғлим, дамингизни олган бўлсангиз, бир ашула қилиб бермайсизми?— деб қолди.

Мадаминхўжага жон кирди:

— Ҳа, ҳа, шунаңа булсин, мулла, эшитайлик.

Ғуломжон ўнг қулинни кўксига қўйиб таъзим қилди:

— Жоним билан.

У ашулани «Кўча боғи»дан бошлади, овозини барада қўйиб, шу дамгача курилмаган ва бутун вужудийни қамраб олган иштиёқ билан, зўр илҳом билан айтди. Ашула

¹ Кўпас — русча «купец» сүзининг бузилгани,

² Миркомил — андайжонлик машҳур бой.

оңаңындағи ранг-бараң тароналар Ғуломжон ҳаяжони-та пайванд бұлиб оқар, унинг шинам овози гүё «Құча бори» учун, «Құча бори»нинг мафтункор оңаңы эса Ғуломжон учун яралғандек янграр әди. «Құча бори» унинг овозига қовушиб, ажойиб бир қувноқлик, жозибали бир жүшкінлик билан теварак-атрофда, узоқ-узоқларда, кенг фазоларда янграрди. Ғуломжон бу үтли күйларини ким учундир айттар, айта туриб, күзлари билан кимнидир излар әди. Вали ака Ғуломжоннинг ёниб куйлашига, күз-дарининг ғұзалар ичидә нигорон бұзлашига ҳайрон бұлади. Ү үғлинн таний олмайди. Мадаминхұжа эса бошын солинтириб, мұмдек әриб үтиради. Фақат озғин ғавдаси ашулага монанд чайқалади.

Ғуломжон «Құча бори»ни тугатиб, олдида турған жиіда гул пиёладаги күк чойдан бир-икки ҳұплади.

Э, умрингиздан барака топинг, мулла,— деди Мадаминхұжа, әнді бошниң күтариб.

Ғуломжон мийигіда кулиб қўйди. Кейиң чолларниң ина гапга тушиб кетишларидан ё отаси «жунайлик» деб қолишиңдан құрққандек, дарров «Дугоҳ»ни бошлаб юборди. Күзлари яна пахтазорда, ғұзалар ичидә изғир әди. Бу ашуланы ҳам ёниб-жүшиб айтди. Ким билади, излаганини топса, йулида бұзлаганини күриб турса, балки бундай ёниб, бундай ҳаяжонланиб айтmasми әдикан ашулани?

«Дугоҳ» ҳам излаганини топиб бермади, үзи ҳам излашдаң, бұзлашдан чарчамади. «Сегоҳ»га үтди, яна аллақандай ғамған, әзгии күйларни айтди. Аммо ҳеч бири юрагида потаниш қыз ёқиб кетган үтни пасайтиrolмади...

Иккінчи боб БУ ҚАНДАЙ БАДБАХТЛИК?

Вали ака әртасига сақарлаб үйғонганда, Ғуломжон құжрасида үйқ әди. Ү ҳовлига үтиб, түрдаги мажнунтол тағида шириллаб оқиб турған мұздай куз сувида юз-құлини ювди-да, ичкарига қайтиб, үчоқ бошида ивирисиб юрган хотинидан сұради:

Онаси, үғлингиз бомдодга чиқиб кетдими?

Чакка соchlарига оқ оралаган, бүйи үртадан қелған бүтдей ранг хотин аввал әрига салом берди, кейин тааж-

жубдан кўра ташвишни ифода қилган бир товуш билан:

— Невлай,— деди.— Ҳужрасида китоб ўқиётганмикан, деб кирсам, у ерда ҳам йўқ.

— Отларга беда солгани чиққандир-да бўлмаса?

— Невлай.

Вали ака ташқарига қараб юрди. Хотини орқасидан пича қараб турди-да:

— Ҳой отаси, тухтанг,— деди.

Эри тухтаб орқасига қаради.

— Хўш?

— Бу ёқقا ўтилинг,— деди у эрини палос солиғлиқ супага таклиф қилиб. Эри келиб супачага ўтиреди. Хотин бошидаги жун рўмолии олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради, кейин ўзи ҳам эрининг ёнига ўтириб, тоқати тугаган киши товуши билан ҳасрат бошлади:— Бошқалар боласини ўн еттига чиқмай уйлантиришади, орзу-ҳавас кўришади. Худога шукур, ўғлингиз йигирма бирга қадам қўйди, бўлди-да шунча раъйига қараганимиз. Кузимиз очиқлигида бошини иккита қилиб қўяйлик ахир! Мунча бегамсиз? Хилват қилиб бундоғ гапирсангиз бўлмайдими?

— Ҳўп қизиқ гап қиласиз-да, онаси,— деди Вали ака куюниб.— Мен, нима, келин кўрай, невара кўрай демайманми? Мен ҳам эл қатори орзу-ҳавас кўрай демайманми? Ички-ташқилик, ҳовлилиқ¹ шундай катта эшикда² икковимиз ҳувиллаб ўтирасак, еганим татийдими, онаси? Йўқ, татимайди. Лекин...

— «Лекин», деб ўтирасак ўтираверамиз!— деди хотини гапни юлиб. Икки дунёда ҳам ўғлингиз ёрилиб: «Хотин олиб бер», демайди. Топиб олгани китоб! Айб ўзингизда, мадрасага элтиб бермай, уйлантириб қўйганингизда, ўз қанотимида бўларди, бу вақтгача невара ҳам куардик.

— Шундай-ю, лекин мадрасани битириб олса ёмон бўлмайди-да.

Эрининг оғир-босиқ гаплари хотинининг тутай бошлаган ўтини барака ёндириб юборди. У табиатининг оғирлигига қарамай, ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Нима, мадрасани битиртириб мачитга имом қиласизми?

— Йўғ-е, мачитга имом бўлсин демайман. Ўқигани яхши-да!

¹ Фарғонада томорқани «ҳовли» дейдилар.

² «Эшик» деб Фарғонада ҳовлини (уйни) атайдилар.

— Е Fiёс каллага үхшаш порахур қози булар, шуда?— деди хотин яна рўмолини бошидан силтаб олиб.

Вали ака хотинининг жаҳли чиққанини кўриб, анчагача индамай ўтириди, кейин босифи билан гапирди:

— Бекор хафа бўласиз, онаси, ўзингиз ўйлаб кўринг ахир, мана сиз анави ерга баҳорда гул эқдингиз-а?— деди у, супа ёнида очилиб турган қашқаргулларни кўрсатиб.— Ҳа, эқдингиз, шулар гулласин, кўрганимизда баҳримиз очилсин, деб эқдингизми? Ҳа. Борди-ю, булар очилмасдан, бирор келиб юлиб ташланг деса, юлиб ташлайсизми?

— Нимага юлар эканман? Юлиб ташлаш учун экибманми?— деди хотин четда йиқилиб ётган бир гулни тиклаб.

Вали ака нашъя қилиб кулди.

— Ҳа, баракалла, ўғлингиз ҳам шунаقا, очилмаган гул, онаси. Ўқишини жувонмарг қилсак, уволига қоламиз.— Вали ака фикрида бир нарсани салмоқлаб курастгандек, бир оз соқолини силаб турди, кейин хотинига юлтаниб гапирди:— Сизга ким айтди мадрасадан чиққанининг ҳаммаси имом ё қози бўлади, деб? Маманиёз охун, мулла Мадкарим домла, Содиқ аъламлар ҳам мадрасала таълим кўришган-ку. Ҳаммаси ҳам Fiёс каллага үхшити бетавфиқ бўлаверармиди? Курмак у, ўша Fiёс каллагани!

— Бўлмаса шима қил дейсиз, яна икки йил кут, дейсизми?— деди тутақиб хотини.

— Ихтиёр ўзингизда, кутмайман десаңгиз айтиб кўриш, хўн деса нур аъло нур.

— Менга таштаб қўймай, сиз ҳам айтинг-да, отасига?

— Хўп-хўп.

Вали ака ўрнидан туриб ташқарига йўлланди. Хотини шариқлаб қайнаётган қумгонини тутқич билан утдан олиб, бир чойнакка кўк, иккинчисига қора чой дамлади. Чойнакларни ўт дамига қўйиб, ўзи супага дастурхон сола бошлиди.

— Ташқарида йўқ, саманга миниб бир ёққа кетганга үхшайди,— деди эри қайтиб келиб.

Тўғри, Ғуломжон шу дам кеча ашула айтган ерида, симан устида хомуш бўлиб турарди. Мадаминхужанинг

пахтазорида эса терим тугаган, бугун бу ерга ҳеч ким чиқмаган эди.

«Менга нима бұлди?— деб үйларди Ғуломжон, үзидеги безовталика, юрак үйнашларига тоб беролмай.— Шоирлар: «Бир күришіда ақлим олди», деб ёзғанларида, мен буни мақоват деб билар, дунёда бундай парса бұлмайды, деб үйлардим-ку! Ҳа, менинг ҳам ҳозирги ахволимни айтсам бунга ким ишонади? Ҳеч ким ишонмайди...»

Саман хирмондан чиқди, аста-секин юриб, шох орқали катта йұлға тушди. Бундан Ғуломжон бехабар эди. У от тизгинини ташлаб қойиб, ҳамон уз үйлари билан машғул эди. Кеча табиат гүзаллигини күриб масъуд порлаган күзлари ҳозир юмуқ, у күзларини очгиси келмайди, очса ҳақиқат хаёлидаги дилбар юзинга парда тортишидан құрқади.

От қаёққа юришини билмай, катта йулда бир оз турди, кейин йұл бүйидаги үтлардан чимчилаб секин-аста юриб кетди. Унинг қаёққа юрганини, ора-сира тұхтаб үт чимчилаганини сезмас эди Ғуломжон.

«Ким үзи, кимнинг қизи? Нимаси сеxрлади мени? Бир қиё боққапими? Е лабларида жилва отган табассумми? Юрагимдаги яра қайдан? Күзларида чақнаб кетган үт тиги очмадимикан бу ярани?»

— Ассалому алайкум!

Ғуломжон сесканиб күзларини очди. Енідан урта ёшли, мардикорнамо бир киши кир қопини орқалаб үтиб кетаётган эди. У Ғуломжоннинг алигини әшитиб бир қаради-ю, йулиға кета берди. Ғуломжон тизгинни құлға олди. «Ана холос, бу одам мени танирмиди экан? Ахволимни хұб томоша қылгандир? Шарманда бұлдым!»

Ғуломжон отнинг жиловини силтади, кейин қаёққа кетаётганини аниқлаш учун у ёқ-бу ёққа алантаб қаради. От тұғри кетаётгандын эди. Ху ана, икки қирғоги баланд күтарилған Каттаариқ. У баданини қуёш қыздираётганини сезиб, вақтнинг чошгоңға яқынлашиб қолганига ҳайрон бұлди. «Шу вақтгача нима қылдым?— деб үйлади күнглида.— Үйга айтмай чиқиб кетдім, балки хавотир қилишаётгандир? Қайтиш керак. Йұқ, үзини құрмаганимга яраша кимлигини билмай қайтаманми? Лекин кимга ёриламан? Кимдан сұрайман? Отамдан сұрайми? А, қайси юз билан? Йұқ, йұқ, худо сақласин. Айтмоқчи, отам ҳам,

Мәдамишхұжа ҳам хирмонга орқаларини қиғылб үтириш-
ган әди-ку!»

Гуломжон чуқур тин олди, күзларини юмиб ҳеч нима
үйламасликка тиришди, бұлмади. Эзгувчи үйлар бости-
риб келар: «Қани, қани у қидирганинг?» деб ҳоли жонига
күймай сұрап әди. У кимгадир жаҳл қилаётгандек боши-
ни қаттық силтади, күзларини чаноқларидан чиққудай
кеңг очди. Энди у дала манзараси билан овунмоқчи, шу
йұа билан бемуруват үйлардан қутулмоқчи әди. Бу ҳам
булмади. Катта ариқнинг шағал тортиб күтарилиған ба-
ландаң қирғоги қышлоқнинг төг томон манзарасини түсіб
олғаш әди. У отини қистаб ариқ лабига чиқди. Пастда,
әйилиб кетған кеңг үзанда куз суви чулдираға оқар, таги-
даги раңг-бараңг тошлар үз жимирлари билан күз үғири-
лар әди. От сувии күрар-күрмас жилов тортиб пастга ин-
тилади. Гуломжон хаёли тарқалганидан қувониб, отин үз
мийлігі қуйиб берди. «Жониор, юраги ёмон күйибди»,
деб үйлади-ю, рұнарасыда түш очған манзарага ҳуши ке-
тиб қараб қолди. Үзоқда — баланд төг, унинг әтаклари-
ла — япроқлари сарық дараҳтлар, беріда — каталак
шахтазорлар. Осмон мусаффо. Қуёш тик күтарилиған, ота-
ни ер юзини ғидиришга қасд қылғандек беаёв...

Гуломжон бирдаң сесканиб түшди, хушнуд юғурған
құзлары бир нұқтада тақа-тақ тұхтади. У ерда, уша
маншым нұқтада, тұрт нафар иисону бир нафар ҳайвон
тірмашып стиради. Ұлар ер ҳайдардилар. Омоч қулоғида
үн иеки үн учышын пимжонин бола, құшининг бир томо-
нида әрқас ына бир томонида аёл, олдинда эса устига
стін сіккіз ғана бола миниб олған семиз әшак. Гулом-
жон бир нечи зұм ҳайрат ва даҳшат ичіда нест бұлиб
турди, кейин бирдаң отига қамчи босди.

От ҳали сувга қонмаган әди, бехос түшган қамчидан
бошнин азод күтариб, ариқнинг у лабига сакради.

— Е оллоҳ, бу қапдай бадбахтлик! — деб юборди Гу-
ломжон, күз үнгіда барала очилған даҳшатли манзара
олидиа шошиб қолиб.

Гуломжон құшчилар яқинига келиб бир чеккада тұх-
тади. У шундай алам талvasасида әдіки, салом бериш
хам, ҳол сұраш ҳам эсига келмади. У бу тұрт нафар бе-
щора жоннинг қайси бирисига ачинишни билмас әди.
Әшак яғринига канадек ёпишиб олиб, уни ҳадеб хи-хилаб
қистаётганд мурғак болага ашынсимви? Е омоч қулоғига
корни билан ётиб олиб, уни чуқурроқ юргизиң пайнда

гоҳ оёқлари ерга тегмай кутарилиб, гоҳ ерда судралиб бораётган жафокаш болага жони ачисинми? Ё бўлмаса буларнинг баҳти қаро ота-оналарининг шўрларига куй-сінми?

Гуломжон турган ерида тахта бўлиб туриб қолди. У қимирлашдан, бир нарса дейишдан ожиз эди. Кўзлари рўпарада, рўпарасида кўриб турган дўзах азобида. Ана, қўшнинг бир томонида кир, ямоқ иштонининг почалари тиззаларидан юқорига чиқариб ҳимариб олинган ярим яланғоч нимжон эркак. У қўшнинг кўндаланг ёғочини тоҳ чап елкаси билан, гоҳ ўнг елкаси билан чираниб итариади. Пешанаси эски латта билан танғиб олинган, ел ялаган қора, кир юзидан, офтобда яллиғланган, суяклари бўртиб чиққан қотма баданидан тер ёғилади. У чиқалдак оёқларини ерга қадаб, ёғочни итаради ва сира тинмай кичик ўғлига буюради:

— Ҳайда, бўтам! Бўшаштирма! Ҳа, бўшаштирма!

Ёғочнинг нариги учини гавдаси мўъжазгина бир аёл итариб боряпти. У елкасига шапалоқ-шапалоқ ямоқ тушған кир, эски кўйлак этаклари орасида гоҳ уралашиб қолади, гоҳ чалишиб йиқилиб кетади, яна туриб итаради. Кўйлаги жиққа ҳўл, сийрак соchlари тўзғиган, боши очиқ. У ҳам эзгин, ҳоргин товуш билан ўғлини қистайди:

— Ҳайда, болам! Ҳайда, айланай! Ҳа, бўшаштирма!

Аёл ҳолдан кетган эди, оғир аравани қирга тортиб чиқаётган отдай ҳансирар, лаблари қалтираб, ранги ўчиб борарди. Бирдан кўзлари тинди, шалоплаб қоқ ерга ийқилди!

— Тўхта!

Эркак югуриб келиб хотинни бошидан кўтарди. Хотиннинг боши шилқ этиб эркак тиззасига тушди.

— Сув! Сув олиб кел, ўғлим! — деб қичқирди эркак, ёнида тиззаланиб онасига мўлтираб турган катта ўғлига.

Ўғли чопиб бориб сув келтирди, хотин юзига сув сочишди. У бир сесканди, кейин қўрошиндан қуолгандек оғир қовоқларини зўрга кутариб, хира, сўлғин кўзларини очди. Эри унинг оғзига сув тутди, аёл сувни шимириб, оёқни тириш, қотма қўли билан секин итарди. Шунда ёшданми, пешанасидан оққан терданми намланган кўзларини катта очиб, бирдан юзини енги билан тўсиб олди.

Фуломжон булар олдида ерда отини жиловлаб хомуш турар эди. Эркак даст ўрнидан туриб кетди. У хаёлга чумиб, ғам чекиб турган кишини танир эди.

— Э, келинг, мулла Фуломжон,— деди у құл қовуштириб.

— Отни олинг, Матқовул ака!

— А? Нимага?— Ҳайронликдан Матқовул аканиң күзлари олайди.

— Келинбувимни ҳам, болаларни ҳам қийнаманғ. Эшак билан құшиб сриингизни ҳайдаб олинг.

Матқовул ака шошиб қолди. Дунёда шүри-ғаводан, баҳти қароликдан ўзгасини кутмаган бир бечора учун ақыл ишонмайдиган катта баҳт эди бу. Худодан тани соглиқ сұрагани эсида, юртга тинчлик, элга омонлик сұрагани эсида, бенмои ўлдирма деб илтижо қылгани ҳам эспіда, иммо мүшкүлимин осон қил, ерни ҳайдаб олай, от бергии деб сұрамаган эди-ку! Шунинг учун у отта әмас, нарироқда болаларини қанотига олиб үтирган мүштишар, раигнар хотинига қаради. Хотини мазлум юзида омонатдай күришган бир жилмайиш билан Ғуломжонға қараб турарди.

— Вой, сизмисиз, айланай Ғуломжон! Бошим айланыб, қаранг, ташимабман. Келинг, айланай. Хадича бүйим саломат юрибдими?

Худоги шукур, саломат,— деди Ғуломжон, энди үанини шыча үнгидиб олиб.— Далага чикиб эдим, сизларни күриб, тиңкә көлиб қолдым, хафа бұлмайсиз-да Салтан хола.

— Вой, айланай, биздақа тупроққа беланиб ётган бечораларни қадр қилиб күргаши келасизу, бошимиз осмонга етмай, хафа бұламизми? Ҳай, үтириңг бу ёққа, айланай.

Салтонбуви ўрнидан турди-ю, бу ер үтириладиган жой әмаслыгини, палос йўқлигини күриб қизарып кетди.

— Эсем қурсин, сизни ерга үтириңг деганимни қаранг.

— Йўқ, йўқ, хафа бұлманг,— деди Ғуломжон, Салтонбуви курсатган ерга үтира туриб.— Шундай қилайлик, Матқовул ака, от билан әшакни құшынг. Келинбувим укаларим билан уйга қайтсин. Чарчаган бұлсанғиз ўзингиз ҳам дам олинг. Мен ҳайдаб берай.

Салтонбуви күзларига ёш олиб дуо қилди.

— Худоё умрингиздан барака топинг. Илойим яхши қайлиқ олиб, бола-чақали, певара-чеварали бўлинг!

Фуломжоннинг юраги шиф этиб кетди. Бирдан боши айланиб, кўзларига хирмон кўринди. Пастки лабини ичида хиёл қимтиб, кўзларини бир юмиб очди, кейин ўзини тутиб, ясама жилмайиш билан Матқовул акага қарди.

— Чамамда, бу ер аввал вақфга қарашли¹ эди шекилли?— деб сўради у тангирқаб.

— Ҳа, вақфники. Йкки йилдан бери ўт босиб ётган эди. Мутаваллига ялиниб, раҳматли имом домлага ялиниб, зўрга сўраб олдим.

— Бутунлай беришдими?

— Ӯлар! Тўртдан бирга² беришди,— деди Салтонбуви куюниб.

— Бирини мутаваллига берасизларми?

Матқовул ака аввал хохолаб кулди, кейин бирдан юзи тиришди, қовоқлари тушди.

— Худо бандасини яратганда, пешанасига чоракор бўласан, деб ёзмасин. Ёзгандан кейин кунинг шу-да, мулла Фулом! Ерни минг азоб билан ҳайдайман, уруғлик топаман, ҳосилнинг тўртдан бирини олсан, худога цукур дейман. Ҳали экилмаган, унмаган буғдой устида бошим минг ёриляпти. Эшакин икки чорак буғдой бераман, деб ялиниб юриб зўрга олиб келдим. Э-ҳа, камбағалнинг шўрини асти сўраманг!

Ғуломжон теварагига кўз югуртириди. Ҳосил чиндан ҳам яхши эди. Одам белидан келадиган ғузаларнинг япроқлари куринимайди, ҳамма ёқда паҳта, қийғос паҳта. Ғуломжоннинг кўнглида яйраган қувонч баҳори кўзларида жавлон уради. У паҳталарнинг муллиги учунгина эмас, о, йўқ, буюк саҳовати билан деҳқонни қувонтирган олтин кузни, кузнинг узигагина хос бўлган табиат ҳуснини кўриб қувонади. Ана эгатлардаги тутларнинг новдалари пишибди, теракзордаги дараҳтларнинг етилган япроқлари теримчиларни олқишилаётгандек субҳидам шабадасида чапак чаляпти! О, анави ерда кекса тол... Кимнинг толи у? Мадаминхужанини эмасми? Бултур Ғуломжон ўша тол тагида ўтириб, ўша ерда ашула айтган эмасмиди?! Ҳа, ўша тол тагида айтган! Юрагига севгининг биринчи олови ўша тол тагида ёқилган! Ғуломжон толни курди-ю, узоқ қараб қолди. Отаси буни сезмади, ўғлининг юрагига уйғонган ҳисларни, томирларида қайнаган қон ҳароратини сезмади. Сезмади унинг алам билан, соғинч билан тикилиб қолганини! «О, кошкни эди у ўтган йил кузи эмас, бу йилнинг кузи, шу бугуннинг ўзи бўлса! Қани энди уни бир марта, атиги бир мартагина курсам!»

— Ҳа, шундай қилинг, ўғлим, хирмонни каттароқ олаверинг,— деди-ю отаси, теримчилар томонга кетди.

Ғуломжон отасининг сўзи билан ҳушига келди. Қетмонини олиб, яна хирмон текислашга тушди. Лекин ўзи ишда бўлса ҳам, кўнгли ташвишда бўлди. Мадаминхужалар эртан теримга чикишармикан, агар чиқиша, у ҳам келармикан деб ўйлар, ўйлаган сари уни қўмсар эди. Лекин эртасига ҳам Ғуломжон интизорини топмади. Бутун куни билан босиб паҳта терди, кечқурун эса яна кечагидек хомуш булиб қайтди. Қўмсаганини кура олмагани уни нечоғлик изтиробга солса, теримнинг яна учкунликкина қолгани шу чоғлиқ безовта қилар эди. Шу икки кун ичida кўрмаса, қачон кўради, қаерда кўради?

У кечаси билан тўлғаниб чиқди, уйқуси қочди, хаёли кекса тол томонга учди.

Ғуломжон теримнинг учинчи куни ҳам далага эзгии бир умид билан жунади. Бу кун ҳам мени муждасиз қайтармагайди, деб ҳаяжонланар, лекин юрагининг аллақаерида учқунланаётган умид унга қанот багишлар эди. Аввалги кунлардагидек, бугун ҳам қишлоқдан чиқа солиб узоқдаги таниш тол томонга қаради. У отлиқ эди. Узангиларга оёқларини тираб, қаддини бир оз күтарди. Күтарилиди-ю, бирдан юраги уйнади. Юзига жиловсиз бир жилмайиш югорди. Узи ҳам билмай: «Ё оллоҳ, лутфинг ҳам бор экан-ку!» деб юборди. Күнглида бир зум, бир зумгина барқ уриб ўтган бу ини отига қамчи бостирди. Орқада арава миниб келаётган отаси эрталаб йўлга хомуш чиққан ўғлининг бирданига от чоптириб кетганини кўриб ҳайрон бўлди. «Икки-уч кундан бери машқи паст эди, бугун тузук, хайрият!» деб уйлади. Отаси ўғлининг баҳри очилгани, от чоптириш кўнглига сиққани учун қувонса, ўғли дилдорининг далага чиққан-чиқмаганлигини билмаса ҳам, дилдоримни кураман деб қувонар эди. Ғуломжон Мадаминхўжанинг пахтазорига етганида, отининг жиловини тортди, эгатларда этак тутиб теримга энди тайёрланаётган хотин-халажларга тик қаролмаса ҳам, уларга ер остидан разм солиб ўтди. Аллақандай бир кампирнинг эркакларникига ўхшаган йуғон, шаддот товуш билан «Ҳай, бетларингни бер-кит!» деганини эшилди-ю, юзини нари ёққа ўгириб олди. То хирмонга етиб, отидан тушгунча ҳам орқасига — Мадаминхўжанинг пахтазорига қайрилиб қарамади. Отини шохга боғлаб қўйгандан кейингина ўгирилди, қувонч ва ҳаяжон акс этиб турган юзи таниш дилдор далага бурилди. Мадаминхўжанинг теримчилари Ғуломжонлар даласидан анча нарида, қалин гузалар ичиди эди. Ғуломжон ёлғиз бўлгани учун ҳеч қандай хатар андишасили қилмай, қўшни далага узоқ тикилиб турди, лекин ҳар қанча тикилса ҳам, ҳар қанча интилса ҳам кўрарми-канман деганини кўрмади. Ҳатто бехосдан бўлса ҳам узига қараб қўйган киши бўлмади. Демак, юраги бекор уйнаган, бекор қувонган! Ким билсин, ой юзини бир кўрсатиб, жоду кўзларидан табассум отиб кетган у дилбар ҳашарчи бўлгандир? У йил чиққан бўлса, бу йил чиқ маслиги ҳам мумкин-ку ахир! Бас, нима учун шунча қувониш, юрак кўйига кириб шунча ўртаниш?

Ғуломжон кўнглида ўзини мазах этиб кулди. Соддалик қилгани, ёш боладек ҳавойи бир қувонч асири бўл-

гани учун узини койиди. Ахир ушанда қиз бошидаги чопонини жўрттага тушириб юбормагандир-ку? Унга қараб жилмайган бўлса, буни ҳам жўрттага қилмагандирку! Наҳотки, унинг биргина қарашига, балки-да, гаразсиз бўлган жилмайшига шунча маъно берса? У шу қарашида кўнглини менга бағишлади, жилмайшида ишқини менга изҳор айлади, деб бир йилдан бери уни қалбida санам каби сақласа! О; йўқ, Фуломжон адашган, ҳаммаси, ҳаммаси бекор! Бир йилдан бери ярали қалбida ардоқлагани, жамолини бир кўрсам деб зори иптизор бўлғани бекор, бекор!

Фуломжон яна кечаги ва аввалги кунлардагидай хомуш иш бошлади. Ёнидаги жўякда холасининг қизи Дилора пахта терар эди. Дилора буласининг бугун жуда ҳам тумтайиб олганига ҳайрон бўлар, уни гапга солиш, паришонлигини тарқатиш учун турли саволлар берар, лекин «ҳа» ё «йўқ» жавобинигина олар эди. Узоқ ва изтиробли айрилиқда жафо чека-чека севгилиги ёнига олам тўла қувонч билан қайтган шурлик ошиқ ёрини вафосизликда, ғаним ҳасмида кўриб қандай ҳолатга тушса, юраги қанчалик қон бўлиб эзилса, Фуломжон ҳам ҳозир шундай ҳолатда эди. У узини ушандай бадбаҳт ошиқ ҳолатига қўйишга ҳақи бўлмаса ҳам, қизга севгисини айтиб, қиздан вафо ваъдасини олган бўлмаса ҳам, яна узини ушанга үхшатар, уша тортган азобни тортар эди. Ҳақиқатда эса Фуломжонни қийнаган, уни бир йилдан бери ҳаяжонга солиб келган муҳаббат — булатли кечада чиқиши гумон бўлган ойга кўз тутишдай дудмол бир нарса эди. У ёр вафосизлигини кўриб дилпора бўлган бадбаҳт ошиқ эмас, ёрнинг узини тополмай, унинг кимлигини билолмай дилпора бўлган бадбаҳт ошиқ эди. Ҳозир у узининг шу ахволини ўйлар, ўйлаган сари юраги қисилиб, кўнглига на Дилоранинг саволлари ва на териб турган оппоқ пахталари сигар эди. Шу пайтда, Фуломжоннинг кўзига олам қоронғи булиб турган худди шу мусибатли пайтда, Дилора кўшни жўяқдан навниҳол каби нозик қаддини кўтарди-ю, Мадаминхўжанинг пахтазорига қараб:

— Ҳаётхон, ҳорманг ўртоқжон! — деди.

Бу ғалати номии эшишиб, Фуломжоннинг узи ҳам ғалати булиб кетди. У баланд ғўзалар ичида кўмилиб кетган букик қоматини ихтиёрсиз кўтарди-да, Дилора кулиб қараб турган томонга ялт этйб қаради. Булардан эллиқ

қадамча нарида, үқариқ ичида, юзини үсиқ гүзаллар билан түсіб туарди уни интизор этгап қыз! Ғуломжон бир күришда дилига жо қилиб олган дилбар сиймони күрди-ю, бирдан вужудида юргурған нест қилувчи қалтироқдан үзини йүқотиб құя өзді:

— Бор булинг, Дилорхон! — деди у ёқдаги қыз жуда ёқимли, жуда чиройлы товуш билан. Кейин ғұза япроқлари орасыда қураган күзларини чақнатиб туриб, яна ҳам мулойим, ҳалим бир оқанғда шивирлади: — Ұзларингиз ҳорманглар...

Ғуломжон ҳам «Бор булинг!» деб юборищдан үзини зүрға тутиб қолди. Чунки унинг куз япроғидек қалтироқ товуш билан: «Ұзларингиз ҳорманглар!» деган тилагида Ғуломжоннинг ҳам ҳиссаси борлиги ошкор әди. Шунинг учун бу дилрабо товуш Ғуломжонга ихтиёрни олувлы бир күч билан таъсир қылди. Уни әнди ёқимли бир қувонч элитди. Пахта теришни ҳам, термасини ҳам билмай, тек турганича туриб қолди. Енидан Дилораниң ўтиб кетганини ҳам сезмади. Бұласи бориб Ҳаёт билан күришди ва дугоналар гүзалар ичидан күздан фойиб бўлишди. Ғуломжон қизларни кум-күк күксига олган гүзага бир неча зум суқланиб қараб турди, кейин қидирганини топган баҳтиёр кишидай қувониб, чаноқдаги пахталарга қўл урди. Энди пахталар унга яна ҳам оқроқ, яна ҳам юмшоқроқ кўринар, назарида дунё янгидан-янги маъниоларга тўлиб борар әди. Ғуломжон кўксидаги юрак эмасу қушдай, тинимсиз потирлар, кўзлари итоатдан чиқиб, нуқул қизлар томонга югурап әди. Энди пахта теришга ҳафсала қолмади. Оёқлари тушовланиб ўтга қўйилган чимхўр отдаи, онда-сонда пахтага қўл уради, яна қаддини кўтариб қўшни даласига термилиб қолади.

Дилора дугонаси билан узоқ гаплашмади, жуда бўлса бир чойнак чой ичарлик вақт ўтгандир, лекин бу Ғуломжон учун ниҳоятда узоқ, инсон умридан ҳам узоқ туюлди. Ниҳоят, Dilora кулиб, чарақлаб қайтиб келди, Ғуломжон ҳар қандай ибога парво қилмай буласи ёнига борди, юзидан қон кетгац, кўзларида қалб ҳаяжонининг ўти ёнаётган әди.

— Dilora, — деди у, ҳуркак товуш билан, — Dilora...

Лекин гапини тугатмади, нима демоқчи әди, нимага тўхтаб қолди?

Дилора ҳайрон бўлиб буласидан сўради:

— Нима бўлди, ака?

— Сенинг ўртоғингми шу қиз?

— Ҳа.

— Бундан чиқди, сен уни танийсан?

Дилора кулиб юборди, буласининг ҳовлиқиб, шошилиб берган саволларига әмас, йўқ, у үзини танимаганга соляпти, усмоқчилиб сўраяпти деб кулди.

— Олинг-а, үзингизни бирам содда қилиб юбордингизки! Ҳаётхонни қишлоқда ким танимайди?

— Улай агар, мен...

— Танийсиз, ҳозир айтиб бераман,— деди Дилора унинг сўзини бўлиб.— Ашуласи, чилдирмаси билан тўйларни қизитадиган қиз шу-да. Вой у чалган дуторни, тўқиган ғазалларни эшитсангиз! Одамнинг шундоғла ҳушини олиб қўяди.

Гуломжоннинг кўзлари пирпиради, уларда қувонч порлади.

— А? Ҳа-а, эшитганман, тўғри, эшитган эканман, таърифини эшитганман. Ӯша Қорабулоққа номи кетган созандা қиз шуми?

— Шу-да! Катта бувиси ўлгур ёмон, ҳеч ерга чиқармайди. Иннайкейин, үзиям бир йилчадан бери ғалати бўлиб қолди, бурунгидана очилиб-сочилиб кулмайди, тўйларга бормайди, фақат бизникига чиқиб туради, холос. Дуторни қўлига тутқазиб, йўқ деганига қўймай, ашула айттираман. Ҳайронман, бурунгидана шўх, ўйноқи ащулаларни айтмайди, дуторига қулоқ солсангиз ўзи йиғлаляптими дейсиз.

Дилора тұхтаб буласига қаради. Гуломжон бир сиқим пахтани қўлида юлқиб турар эди. Дилоранинг ўзига қараб қолганини кўриб, пахтани қўйнига солди-ю, паришонлигини сездирмасликка тиришиб, апил-тапил сўради:

— Ғазаллар ҳам битади, дегин?

— Йўқ, тўқийди.

— Ёзиши билмайдими?

— Қайдан билади, қишлоғимизда отин буви булмаса, үқимаган-да.

— Ҳа-а,— деди Гуломжон тушунган бўлиб. Қейин босифи билан сўради:— Катта бувиси ёмон, дегин? Катта бувиси ким?

— Мастон кампир-да.

— Э, Мадаминхўжанинг онасими!

— Ҳа, Ҳаётхон Мадаминхўжаканинг қизи-да.

Хўжа номини эшитиб, Ғуломжоннинг дами ичига тушиб кетди. Боя юрагида потирлаётган қувонч қушининг қанотлари сингандай бўлди. Ўртага сукупат тушди. Ғуломжон бир неча қадамгача индамай пахта териб борди. Дилора ҳам ўз жўягидан бош кутармади. Ғуломжон буласидан бир нима сўрашга чоғланар, лекин юраги бетламай қийшалар эди. Ниҳоят, сўрашга қарор қилди. Аммо унга юзланиб эмас, ғўзалар ичига яшириниб, ерга қараб туриб сўради:

— Дилор, уртоғинг қаерга тушган?

Дилора ҳам бўйига етиб қолган қиз эди, буласига тик жавоб қилишдан уялдими, ғўзалар ичидан туриб:

— Уйида,— деди.

— Утирибди, дегин?

— Хўжалардан чиқмагандирки, ўтиргандир-да, ака.

Дилора шу жавоби билан Ғуломжон устидан бир челак совуқ сув қўйиб юборгандай бўлди. Қуннинг қизий бошлаганига қарамай, у ичидан муз чиқаётганини сезди. Ғуломжон хўжаларнинг «қорача»ларга қиз бермаслигиги, бу хўжалар оёғида занг босиб ётган эски киshan эканлигини билар эди. Уни шу дам довдиратган, ичидан муз чиқариб юборган нарса ҳам худди шу эди. Боя қиз овозини эшитганда қалбида чақнаган қуёш юзини мана энди қора булат босди. У ёрқин кундузда йўлга чиқиб, қоронғи кечада адашган кишидай, нима қиларини билмай қолди. Дарҳақиқат, хирмонда уни шайдо қилган қиз Ҳаётхон эканини, Ҳаётхон Мадаминхўжанинг қизи эканини билибмиди ўшанда? Йўқ, албатта! Бир йилдан бери иссиқ қалбида асраб, ардоқлаб ўстирган севгисидан воз кеча оладими? Йўқ, албатта! Оллоҳки хўжа қизига ишқини солибди, мушкулини осон қилгувчи яна оллоҳ бўлса неажаб? Ахир мадрасада ўқиб юрган кезларида: «Алхайру мосанаъа оллоҳу»,¹ деб уқтиришган эди-ку?! Иннакейин, агар қиз хоҳласа, ота-онаси йўқ демаса, уларнинг йўлини ким тўса олади? Қайси ота, қайси она боласининг бахтини демайди? Отаси билан Мадаминхўжанинг хирмонига борганида, у Ғуломжонни яхши ҳурмат қилган эди-ку? Наҳотки, хўжалигига бориб Ғуломжоннинг ҳам, қизининг ҳам бахтини қаро қилса? Йўқ, бундай бўлмайди, булиши мумкин эмас!

¹ Оллоҳ нимаики қилса яхшиликка қиласди.

Ғуломжон күли бориб-бормай кун қизигигача пахта терди. Қиёмда дам олишди. Диора дугонасининг олдига кетди. Ғуломжоннинг ҳам боргиси келди, лекин иложи қанча? Узоқдан бўлса ҳам, лоақал қорасини бўлса ҳам куармиканман, деб улар томонга илҳақ булиб қаради. Йўқ! Ҳеч ким куринмайди, балки улар ҳам дам олишаётгандир?

Вали ака хирмон ёнида, шоҳдаги тут соясида қовун сўйиб ўтирган эди, ўғлининг гузалар ичидаги паришон турганини кўриб, уни ёнига чақирди.

— Ўғлим, бу ёққа келинг.

Ғуломжон отасининг овозини эшишиб, бир сесканиб тушди. Ўланиб турган бўлса чучиб кетди шекилли, кейин фуза оралаб отаси томон юрди.

Вали ака ўғлига бир коса умрбоқидан узатиб:

— Мана буни еб олинг, ўғлим, офтоб пича таъсир қилганга ўхшайди,— деди, Ғуломжон ёнига келиб ўтирганда.

Ғуломжон косани олди ва дастурхонга ушатилган ионга қушиб қовунни ея бошлади. У аллақандай ўйчай эди. Отаси куриб:

— Нима бўлди, ўғлим, тобингиз қочиб қолгани йўқми?— деб сўради.

Ғуломжон зўр-зуракасига илжайди.

— Йўқ, жойида.

— Бугун ашула ҳам айтиб бермадингиз?..

— Ашулага ҳалак бўлсан, пахта қолиб кетадиганга ўхшайди,— деди Ғуломжон гапни бошқа ёққа буриб,— шунинг учун...

— Йўқ, ўғлим, пахта ҳам булади, қолиб кетмайди. Лекигин сиқилиб қолманг-да, унда бизга татимайди, ҳа.

Ғуломжон отасига жавоб қилмади, кўнглида: «Сиқиляётганимни қаердан билади-я», деб ўйлади-ю, дастурхонга дуо қилиб, ўрнидан турди. Аммо нима учун турганини, бунда бирон мақсад борми-йўқлигини ўзи ҳам билмас эди. Шу сабабли хирмон четида бир оз боши қотиб турди. Кейин нима қилишини, қаерга боришини билмай, эгат бўйлаб юриб кетди. Пастда, пахтазор этагида, муздай булоги ва ола-қуроқ салқини билан ёз кезлари киши жонига ора кирадиган теракзорлар бор эди. Эгат уни ўша ёққа бошлади. Ғуломжон ихтиёри оёқларига бериб қўйиб, ўзи ҳамон Ҳаётни ўйлар, юраги ўйнар, ўйлар уни

қийнар эди. У шундай ўйчан, паришон ҳолатда булоқقا яқинлашди. Бир вақт қараса, булоқ бўйида бир аёл чўнқайиб олиб пешанасига ҳўл рўмолча босяпти. Фуломжон парво қилмай бораверди. Рўмолчасини чайгаnda сувнинг чайқалгани сабаблими ё Фуломжон шарпасиз келиб қолдими, ҳар ҳолда, у йигитни сезмай қолди. Фуломжон ҳам унга парво қилмаган эди, бундай қараса... «Ё оллоҳ! Ҳаётхон! Ёлгиз?» Фуломжоннинг юраги потирлай бошлиди, бўғизидан қуш бўлиб учиб чиққудай потирлади. Шуннинг учун потирлардики, Фуломжон дунёда бундай баҳт бўлиши мумкинлигини, худди шу баҳт уни кутиб турганлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Қиз эса Фуломжондан, Фуломжон қалбининг потиридан бехабар, у ҳамон рўмолчасини чаяди, чайиб пешанасига қўяди. О, Фуломжон ҳали узоқда! У дилбаришиниг орқаси билан битта бўлиб ерга осилиб тушган, қирқ бир кокил қилиб урилган узун қўнғир соchlарини ҳали узоқдан кўриб, узоқдан завқланиб турибди! Нима қилсан, узоқдан туриб завқланаверсинми ё яқин борсину қўққисдан чўчиб учган қуш сингари уни ҳам чўчитиб, қочириб юборсинми? Ажабо, қайси бири маъқул? Ҳозир ўйланиб ўтириш, фурсатни бой бериш пайти эмас эди. У ёр олдига бориши жазм этди. Аста-секин одим ташлаб бориб, қиз устида тўхтади. Аммо овоз чиқаришга ҳам, отини айтиб чақиришга ҳам юраги бетламади — серрайиб туриб қолди. Назарида, нафаси гувиллаб чиқар, юраги дукурлаб урар эди.

Ҳаётхон бундан бехабар эди. У яна рўмолчасини чайди, кейин чала-чулпа сиқиб пешанасига босди. Энди сув оромини топди, чайқалишдан, шопирилишдан қутулиб ойнасини созлади. Қиз пешанасига даструмольчасини босиб, сувга қараб ўтиради. Шунда бирдан сув ойнасида таниш сиймо кўриниб кетди.

— Вой!

Қиз қўлидаги даструмоль тушди, ўзи эса сапчиб ўрнидан турди.

— Қўрқманг, мен... — деди Фуломжон, куз япроғидай титраб турган заиф товуш билан. Кейин бир қадам қиз сари ташлади. Ҳаётнинг қўлидан тушган даструмольчани ердан олди.

Қиз шошиб қолди: нима қиларини, нима қилиши кераклигини билмас эди, ҳатто юзини тусиш зарурлиги ҳам эсига келмади. Фақат «мен» дегувчининг кимлиги-

ни билмоқчи бүлгандек, Ғуломжонга бир құрқув, бир адоват билан хұмрайиб қаради. Қаради-ю, юзидаги ваҳм аралаш жиддийлик бирдан йұқолди — ранги қочинқираган чиройли юзига сезилар-сезилмас бир қызиллик урди, намиқиб, күкариб турған нағис лабларига нозик бир табассум юғурди.

Ғуломжоннинг түкілиб турған юрагига қыз илтифоти мадад берди, у барада жилмайиб қыз томон интилди. Қыз буни күриб турар эди, у чиройли қилиб кулди, кулиб туриб, қызларга ярашиб түшган бир уятчанлик билаң үзини олиб қочмоқчи бүлди. Лекин қочишга йұл йұқ: бүйнәнда булоқ бўлса, у ёнда Ғуломжон турар эди. Ана шундан кейин Ҳаёт чап енгини юзига парда қилди.

Бахт Ғуломжоннинг ҳушини олиб қўйди. Олдида дилрабоси хиёл букилиб, қиё үгирилиб туради-ю, яна ҳушини йифишириб ололадими? «Кўрсам севгимни айтаман», деб бир марта эмас, минг марта лаб аҳд қилган эди. Мана энди кўриб турибди, яқингинасида турибди, лекин севгиси дилдан тилга кўчишга ботинолмайди, бунга муттасил уриб турған юрак йұл қўймайди! Ҳолбуки, ҳозир севгидан, сезгидан сўйлаш, дил розини куйлаш пайти! Қыз ҳам ундан суз кутади. Аммо қаерда у суз? Қандай топса, қандай айтса булади уни? «О, муҳаббат, ботинда ботир, тилга кўчишдан бу қадар қўрқмасанг не бўлур? О, юракларни уйнатувчи, утдан олиб ўтга отувчи қудратли севги, нега энди қалтирайсан? Интилганинг топганингда, вasl эрамида нега пойига бош қўйиб арзи дил этмайсан?!

— Узр, сизни қўрқитиб юбордим,— деди Ғуломжон юзига ҳам зўрға эшитарли, ҳаяжонли товуш билан.

Аммо Ҳаёт уни бирон жавоб билан баҳтиёр этмади, ҳамон юзини тусиб, индамай турар эди. Индамаса ҳам шу ерда туриши, Ғуломжондан ниманидир кутиши — йигит юрагига қувват берди. Ҳаётнинг дастрўмоли ҳамон Ғуломжоннинг қўлида эди, у шу рўмолчага қараб туриб секин гап бошлади:

— Ҳаётхон, мен сизни...

Яна юрак уйнаб, нағас буғизга тиқилди. Зўрға қовуша бошлаган гапнинг яна узилиб қолиши қыз ҳаяжонига ҳаяжон қўшди, у қошидаги гулнора япроғидан биттасини узиб олиб, лаблари орасида қирчий бошлади, Ғуломжон қалбida ҳаёт завқи уйғотиб, ширин орзулар сари етаклаган кечаги мўмин, итоаткор сўзининг бугуи

мана шундай қўрқоқлик қилаётганига бўғилиб, юрагидаги ҳаяжонини босишга ҳар қанча уринмасин, эвидан чиқолмади. Ниҳоят томогини қириб, энтикиб туриб сўз бошлади:

— Мен сизни бултур курувдим, шундан бери... Тавба, одамнинг кўргиси келар экану, кўролмаса қийналар экан... Мен сизни бир умр кўрмасдан, кимлигингиzinи, кимнинг қизилигингиzinи ҳам билмай дофу ҳасратда ўтиб кетарман, деб қўрқар эдим...

Ҳаёт қуралай кўзларини чақнатиб йигитга бир кулиб боқди-ю, паст, сарбаст товуш билан шивирлади:

— Энди...

— Йўқ, энди қўрқмайман! — деди Гуломжон, қиз ишвасидан дадиллациб. Кейин тулқинланиб, завқланиб гапирди: — Энди топиб олдим. Ўша бир кўришда ихтиёrimни олган қиз — сиз! Энди худодан тилайман: мени сиздан аюрмасин:

Гуломжон қизнинг чап қулофини тўсиб турган жингалак зулфига тикилиб тұхтади. Қиз эса булоқ ойнасида хисел жимиirlаётган йигит суратига юзини ўгириб олди.

— Ҳаётхон! — деди Гуломжон сўзлаётгандан кура кўйлаётгандыга үхшаган бир товуш билан.

Ҳаёт, қулоқлари ёнида севгили оҳангидан янграб кетгандай, шодлик ҳаяжони билан толпинди, ёнида дил розини ўқий бошлаган Мажнунига ишқ тұла, маъл тұла кўзлар билан ийманиб қаради. Йигит унинг кўзларига тикилиб, мўлтираб туриб гапирди:

— Ҳаётхон, йўқ демасангиз, бувим сизларникига борса...

Қиз гапдираклаб кетгандай бўлди, юзини тусиб турғаи чап қўли мадорсизланиб иягига сидирилиб тушди. Гуломжон Ҳаётнинг момиқ билагидан ушлади, қиз бирдан сесканди. Қулини тортиб, яна юзига парда қилди ва оҳу чаққонлиги билан йигит ёнидан ўтиб, шипиллаганича югуриб кетди. Гуломжон худди ушламоқчидай қиз орқасидан бир неча қадам ташлади, аммо қиз узоқлашиб кетган, уни тұхтатиш имкони қолмаган эди. Гуломжон ҳам алам, ҳам қувонч билан булоққа қайтиб келди, сув ичмоқчи эди. Булоқ лабига утириб, ҳовучини очганды, кафтида гижимланиб ётган ҳул румоғчага кўзя тушди.

— О, Ҳаётим! — деди у рўмолчани юзига суртиб. Кейин уши упди, упиб булиб қўйнига солди.

ТОНГИ БОРМИКАН БУ КЕЧАНИНГ?

Гуломжон бу кекса дунёда жуда кам яшагаң бұлса ҳам, бошидан жуда күп үқубатлар кечирди. Ҳаёти ойсиз кечадай зулмат ичидә қолиб келади. Қуёши чарақлагай бирон ёркىн куни бұлганини эслай олмайды. Үтгас йил Мадаминхұжа хирмонида ёқилган умид чироғи қалбига на сурур берди ва на нур! Бу йил күзда булоқ бошида үзини күрди, әртасига үша соату үша жойда яна күрди. Қалбидаги тилак ва истакларини аввалги куни дадил айтолмаган бұлса, әртасига ҳаммасини бутун орзу-ұзасини, севги ва сезгисини очиқ айтди. Ҳаётхон Гуломжоннинг ҳароратли сұzlарини, ишқ таронасини эшитаётгандек берилиб әшитди. Үрталарида даҳшатли ғов турғанига, йүқ, ғов әмас, одам боласи үтөлмайдиган тасиз тоx турғапига қарамай, Ҳаёт Гуломжоннинг истакларига рози бўлди. Мадаминхұжаникига Гуломжон әртасига ёк совчи юборди.

Аммо совчиларга Мадаминхұжанинг останасидан ҳат-лаб үтиш насиб бўлмади. Гуломжоннинг онаси Ҳадича бувини Мастон кампир яхши билар эди, бу хотиннинг Ҳаётга орқаворатдан оғиз солиб юрганини ҳам билар эди. Ҳадича буви ёнида түрг нафар хотин, бошида кат-такон тугун билан останада турғанини куриб, Мастон кампирнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Ҳа, нимага келдинг? Қорачага тушиб қолган хұжа қизи йўқ, жұнаб қол!— деди-ю, эшигини тақ әткизиб ёниб олди.

Ҳадича буви ёнидаги хотинлар олдида ёмоқ үсал бўлди — ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Хижолатпазликнинг зуридан қўлидаги тугуни тушиб кета ёэди. Бир зум нима қиласини билмай турди, кейин пешанаси олдидаги ўймакор эшикни қалтирай бошлаган қўли билан аста итариб, ялинувчи товуш билан илтижо қилди:

— Ҳай, Мастон хола, эшон ойим, ундей қыманг, айланай...

— Йўқол дедим кўзимдан! Ҳали замон бурнингдан қора қонингни оқизаман, жувон ўлгур!

Бу совуқ товуш Ҳадича бувининг қулоқларига болғадек урилибгина қолмай, баданига, қалбига мингларча

иғна ҳам бўлиб санчилди. У зир-зир титраб, қақшаб туриб яна ялинди:

— Айланай Мастон хола! Қулоқ солинг гапимга ахир, жон хола...

— Бор, бор! Сен қорача қайси юз билан неварамга совчи бўлиб келдинг! Пайғамбар суюгимни хорлаб мени эл олдида осёк ости қилдинг-ку, бетамиз. Тагни мен бу иттавошинг гапига қулоқ ҳам солармишман? Йуқол демидим, йуқол!

Хадича бувининг ёнидаги хотинлардан бирни чиммати кутариғлиқ юзига шол эткизуб урди:

— Вой шўрим, шарманда қилди-ку!

Ҳа, Мастон кампир Фуломжон совчиларини шу тахлит шарманда қилиб жўнатди. Хадича буви уйга зўрга келди-ю, тугуни супага ирғитиб, хўрлигидан йиғлаб юборди.

— Э худо, нимага ҳам бировларни хўжа, бировларни қорача қилиб яратдинг? Биз бечораларда нима қасдинг бор эди, шунчалик шарманда қилдинг?!

Вали ака хотини бехосдан кўтарган зорни эшишиб, югуриб чиқди. Хадича буви панжаларининг тирноқлари билан юзипи сидириб нола қилас эди. Буни кўриб, чолнинг ранги ўчди, сийрак соқоли қалтирай бошлади.

— Эшигига ҳам киргизмади, кўчадан қувиб юборди-я! Вой шўрим! Вой шўрим қурсин! — деярди Хадича буви фифон қилиб.

Вали ака Хадича бувининг юм-юм ёш оқиб тушаётган юзига мултираб туриб:

— Хайр, пешана-да, шўримиз бор экан, қўйинг, хафа бўлманг, онаси,— деди.— Юрагим сезиб турувди-я шундай бўлишини! Нима қилайлик, қорачамиз, хўжаларнинг тенги эмасмиз. Билиб туриб баланд дорга осилдик, айб ўзимизда.

— Ҳали ўғлингиз шаҳардан келганда шу совуқ хабарни олдига дастурхон қилиб соламанми? Ундан кўра ўлганим яхшимасми? Вой шўрим,вой шўрим!

Хадича буви юзини юлиб йиғлар, Вали ака эса кўзларини ачиштира бошлаган алам ёшлари ун чиқариб юбормасин деб нуқул томоғини қирар, ёнида қон қаро қақшаб ётган хотинига бирон сўз билан тасалли бергиси қелар, лекин дилида қўзғалган хўрлик исёни сўз-

ларини бұғиб қўйишидан, ўзининг ҳам ич-ичида әзилиб йиғлаётгани билиниб қолишидан қўрқиб жим ўтирада эди.

— Нима қилдик энди? Эл нима дейди? Шарманда булдик! Гапирсангиз-чи ахир, нима бало, оғзингизга талқон солғанмисиз?— деди бўғилиб Хадича буви.

Вали ака яна томогини қирди, яна гапирмай жим тураверди. У ҳозир ўз ўйлари билан бандада эди.

— Нима қилдик энди?— деб Хадича буви яна суради.

Вали ака шошилмасдан калласини кўтарди, лекин кўзларида ёш бормиди, хотинининг юзига қарамай, ерга қараб туриб гапирди:

— Нима қилардик, бандасининг қулидан нима келарди... тақдир.

— Тақдирни бошшини есин!

Вали ака ялт этиб хотинига қаради, лекин у ҳамиша кулиб, жилмайиб турадиган меҳрибон чеҳрани куролмади, чаноқларидан чиқиб кетган даҳшатли кўзларни, совуқ урган япроқдек қалтираб турган лабларни кўрди. У бетлари юмдаланган, оппоқ соchlари юлинган бу телба хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлдошига ўхшата олмади. Хотинининг истараси иссиқ чеҳрасига ниманингдир даҳшатли қора тамғасини босиб кетган эди. Вали ака ваҳималаниб:

— А?— деб юборди.

Йўқ, Вали ака ваҳимали важоҳатни кўргани учун бундай демади, хотичининг тақдир эгаси ҳақидаги қарғишидан қўрқиб кетгани учун шундай деб юборди. Шу учун ҳам Хадича бувига тасалли бериш, бирон сўз дейиш ўрнига унга анграйиб қараб қолди. Хадича буви эрининг ваҳмини тушунди.

— Йўқ, йўқ, тавба қилдим! Худо, ўзинг кечир!— деди у дарров тимдаланган, йиғидан шишган юзини осмонга ўгириб.

Хадича бувининг қурушган лаблари яна алланималар деб пичирлади, ҳозиргина кўзларидан дарё булиб оқаётган хўрлик ёшлари бирдан тинди. Жон аччиғида айтиб юборган сўзи кўзини мошдек очирди. Очирмай иложи қанча! Ахир ёш болалик чоғларидан бери эшитавериб жон-жонига, қон-қонига сингиб кетган ва ҳамиша кўз ўнгига бўлган дўзах даҳшати шундай кезларда қайси бир мазлум қаддини яна бешбаттар букмабдики, бутун умри жаҳолат ва хурофот ичида ўтган художўй Хадича

буви жон аччиғида тақдир әгасига тил тегизиб юборганини бўлгандан кейин ҳам яна бенарво қолсан? Йўқ, у шу қилмиши, шу бир оғиз сузи билан үзини дузахда куяётган ҳис қилди, бу ҳис уни ўтдан олиб ўтга солди, куз ўнгини қорайтирди, вужудини титратиб, рағгини бўзартирди, қалтираб турган лабларидан шу сўзларни учирди:

— Мен куфр кетдим... Худо, ўзинг кечир...

Кеча кечқурун онаси Ҳаётхонларнига бугун совчи бўлиб боришини айтганда, Ғуломжоннинг вужудини дастлаб ёқимли бир ҳарорат қиздирди. У тилида «майлингиз» деса ҳам, дилида «худо оқ йўл берсии» деб тилади. Бу тилак қанчалик диловар бўлмасин, шунчалик дилозор ҳам эди. Бир ёқдан, хушхабар гадолиги юрагини орзиқтиrsa, иккинчи ёқдан, раддия ваҳми қалбига наштар бўлиб санчилар эди, чунки у севгилиси билан ўзи ўртасидаги ҷоҳининг нақадар чуқурлигини билади, билиб туриб, яна ундан ута олишига умид боғлади, ширии орзуларга берилади. Шу кеча Ғуломжон учун азоб кечаси бўлди. Гоҳ ширии ўйлар хаёлини олиб кетар, гоҳ ёмон ўйлар оромини олиб қўяр — иккиси ҳам киприкларини қовуштирамай қийнар эди. У алламаҳалгача ухлай олмади. Бир қур ўрнидан туриб ташқарига чиқмоқчи ҳам бўлди, лекин безовталигипи ота-опасига сёздирив қўйишдан қўрқиб, ҳужрасининг очиқ дарчасидан осмонга қараб ётди. Осмонда на ой ва на юлдуз куринади — ҳаво бузук эди. У шу тахлит тонг фира-ширасигача ётди, кейин: «Онамнинг совчиликка боришини эшитиб шунчалик бетоқат бўламану, ҳали у ердан бирон жавоб билан келишини ўйда қандай кутиб ўтираман? Йўқ, юрагим ёрилиб кетса керак, тоқат қилолмайман», деб ўйлади-да, шаҳарда зарур йшлари борлигини айтиб, аzonда жўнаб кетди.

Ғуломжон отини Тұхта охун саройига боғлади, узи ошхонага кириб чўзма лағмон еди, кейин шаҳар айлангани кетди. Лекин одамлар қайнашган бозорлар ҳам, шаҳар шов-шувлари ҳам юрагини қамраган ҳаяжонни босолмади. Унинг хаёли ҳамони қишлоқда, толе мұждасида эди. Гоҳ суюниб, хаёлида олтин саройлар қуради, гоҳ куюниб үзини тубсиз ҷоҳ ёқасида қуради. Шунда юраги шифиллаб, куз ўнги қоронғилашади, бир оз тұхтайди-ю, яна юриб кетади. Лекин қаерга кетаётган-

лигини, нимага кетаётганигини билмайди. Бир маҳал қулоқларига үз номи киргандай булди. Аммо хаёлот ичидә дуруст пайқамади. Яна бояги ўйлари билан банд бўлиб бир неча одим юрган эди, аллаким енгидан секин тортиб:

— Фуломжон,— деди.

Фуломжон пинаги бузилган кўкнори сингари сесканиб ёнига қаради.

— Э, Қудрат ака, сизмисиз?

— Мен, Лекин ўзингиз-чи, Фуломжонмисиз?—деб кулди Қудрат.

Фуломжон унга тангирқаб қаради.

— Ҳа, ухшайманми?

— Ӯхшамайсиз.

— А-а?

— Маастга үхшайсиз.

— Ана холос!— Фуломжон кулиб юборди.

Қудрат унинг кўзига тикилиб туриб:

— Йўқ, ростдан мааст эмасмисиз?—деб сўради.

Фуломжон «баттар» демоқчи бўлди-ю, лекин эп кўрмади шекилли, калласини хиёл тебратиб, кулиб қўяқолди.

— Сизни кўчанинг ул юзидан кўрдим, чақирдим, жавоб қилмадингиз. Бу ёққа утиб, ёнингизда кетяпманамки, сезмайсиз. Ё қишлоқда бир гап бўлдими?

— Йўқ, тинчлик.

Фуломжон ўзиникига үхшамаган ўлимтик товуш билан жавоб қилди. Аммо Қудрат бунга ишонмади, у мугамбирлик билан кулиб туриб:

— Ҳа, ундаи бўлса яхши,— деди. Кейин ўгит этгувчидан кўра, маслаҳат олгувчидай қилиб гапирди:— Ҳар нима бўлганда ҳам кўнгилни чўктириш — одамнинг ўзига жавр. Одам деган вақтичоғликда ҳам, хафагарчиликда ҳам посонгисини йўқотмагани тузук. А?

— Албатта, албатта.

— Қани энди куришиб қўяйлик, саломат юрибсизми?— деди Қудрат қўлинини унга чўзиб.

— Шукур.

— Хўш, қандай шамоллар учирди?

Фуломжон бир зарур юмуш билан келганини айтди. Ана шундан кейин икковлари анча ергача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб боришди. Қудрат қанотлари ланг очилган каттакон темир дарвоза олдида тўхтади-ю, бирдан Fu-

ломжонни икки билагидаң ушлаб, юзига тикилиб туриб сүради:

— Айтмоқчи, мактаб очмоқчи эдингиз, нима бұлди?

Чехрасининг очилиб кетишига худди шу савол етмай турғандек, Фуломжон бирдан жонланди.

— Мени шаҳарга келтирған сабабларнинг бири ҳам худди шу,—деди у, жилмайиб.—Тайёргарлик ишлари битди ҳисоб. Таşқимиздаги меҳмонхонани синфбоп қилиб қўйдим. Ошнам Ашур Мирзонинг божаси уста Баҳромдан парталарнинг чизмасини олиб кетган эдим, афуски, эпини қилолмадим, бопта тахта бўлмади. Бақатеракдан тилдирған тахталарим гап уқмас чиқиб қолди, рандага сира ён бермади. Тахталарни узунасига чорпоя қилиб қоқдим — беш қатор бўлди. Ҳар қатор орқасига болалар ўтирадиган эшак қилдим. Синфга ўттизта бола bemalol сиғади. Энди қора тахта керак. Уста Баҳром «қилиб қўяман, олиб кетарсиз», девди. Шуни олиб кетсан, иншооллоҳ, эрта-индин мактабни очиб юборамиз-да.

— Баракалла, отангизга раҳмат!—деди Қудрат, қувониб. Кейин тошқин бир меҳр билан суради:—Қишлоққа қачон қайтасиз?

— Насиб қўшилса, асрдан қолмай етиб бораман.

— Йўқ, бугун ҳеч қаёққа бормайсиз, хизматда бўламиз.

— Қуллуқ, тезда қайтмасам бўлмайди. Ҳозир уста Баҳромнига бориб, тахта тайёр бўлса оламану жўнайман. Эндиги келганимда бафуржа ўтириб гаплашамиз. Саломат бўлинг.

Фуломжон шаҳардан жуда кеч қайтди. Отини отхонага киритиб боғлади-ю, ташқаридаги ишларини битириб, ичкарига йўл олди. Дарчага яқинлашганда юраги бирдан дукурлаб, эшик олдида тухтаб қолди. Уйда уни шодлик кутармиди ё фам — қандай билса бўлади? Қандай билса бўлади?! У эшикка секин қулини чузди, лекин очишга юраги бетламади. Борди-ю... борди-ю, супада чироқ бўлмаса, ота-онаси чақчақлашиб, баҳтиёр кишилардай кулишиб ўтиришган бўлмаса-чи? Кеч куз, ҳаво совуқ. Уйда ўтиришган бўлишса не ажаб?

Фуломжон дарчани қия очиб, ҳовлига муралади—қопкоронғи, шитир этган шарпа йўқ. Демак, уни кутувчи, суюнчи сўрагувчи йўқ. У секин-секин юриб айвонга чиқ-

ди. Чироқ ёқиғлиқ уйда ҳам шарпа йуқлигини, у ерда ҳам гүристон жимлиги ҳукм сурганлигини билиб, юраги шифиллаб кетди. «Хайр, нима бўлса бўлди», деди-ю, узоқ пиёда сафардан ҳориб-толиб келган киши ҳолатида эшикка қараб юрди. Остонада тухтаਬ, ичкарига қулоқ солди. Ичкаридан аллакимнинг чуқур уҳ тортгани эшилди. Наҳотки, отаси ётиб қолди? Неча вақтдан бери бир кун соғ бўлса, беш кун касал бўлиб юради-я!

Эшикнинг қўққисдан очилиши кўрпача устида болишга суяниб хаёлга чўмиб ўтирган Вали акани чучитиб юборди. У дарҳол қўзғалиб, ўғлининг истиқболига турмоқчи бўлди.

— Йўқ, йўқ, қимираманг, ота,— деди Фуломжон саломдан сўнг. Кейин онасининг чўзилиб ётганини кўриб, ташвишланиб сўради:— Нима бўлди бувимга, тоби қочиб қолдими?

Вали ака гуноҳ қилиб қўйган кишидай, ерга қараб жавоб қилди:

— Ҳа, бир оз тоби қочибди.

Фуломжон шошиб онасининг ёнига келди. Узун, чиройли қаддини букиб, онаси устига энгашди.

— Буви, нима бўлди? Қўзингизни очинг, мен келдим,— деди у, маъюс товуш билан.

Онаси қурби етмаётгандек, қийинлик билан қовоқларини кўтарди. Тонг юлдуzlари каби хира кўзлари билан беҳолгина қаради. Ўғлининг ғамгин чеҳрасини, мўлтираб турган чарос кўзларини кўрди-ю, ачиштира бошлаган ёшларини яшириш учун яна кўзларини юмиб олди.

Фуломжон қўрқиб кетди. У апил-тапил онаси ёнига тиз чўкиб:

— Буви, бувижон, мен келдим! Танимадингизми?— деди.

Вали ака ҳам ўрнидан туриб хотини ёнига келди, қўлининг қадоқлари озор беришидан қўрқаётгандай хотининг пешанасини авайлаб силади, силаб туриб, бошига оғир мусибат тушган киши товуши билан эзгин, ғамгин қилиб гапирди.

— Онаси, мана ўғлингиз келди, қўзингизни очинг.

Хадича буви кўзларини очди, кўзлари жиққа ёш эди. У бешинчи фонарнинг сарғимтил ёруғида каҳрабодек ялтираб турган кўз ёшлари орасидан зўр-зўракасига жилмайиб:

— Келдингизми, ўғлим, ҳорманг,— деди.

— Келдим, келдим, бувижон, бор бүлнинг.

Хадича буви заиф қулини күтариб ўглининг елкасига бир-икки қоқди, кейин уни бошидан ушлаб узига тортиди. Ғуломжон дарҳол бошини энгаштириди, онаси ўтдай ёниб турган қурушиқ лаблари билан ўглининг пешанасидан ўпид йиглаб юборди. Шурлик онанинг олов тафти янглиғ ёндирувчи нафаси Ғуломжон юзига гупиллаб урди. У ёноғини онасининг ёниб турган ўтли ёноғига суртиб, синиқ товуш билан пичирлади:

— Қўйинг, хафа бўлманг, буви...

Ғуломжон онасининг нимага йиглаётганини, нимага бетоб бўлганини билади. О, бола шури нақадар даҳшатли зарбаки онага! Жигаргўшасининг баҳти қоралигини кўрганда — она дили ҳамиша қон, юзи заъфарон! Мана, иззат тўшагида пийронга чеҳрасидан баҳт нурларини тўкиб ўтириш ўрнига мусибат кўрпасида дилпора бўлиб ётиби!

Ғуломжон онасининг иссиқ қучоридан бушаб, секин ўрнидан турди. Бир отасига, бир онасига қараб туриб, аламли товуш билан:

— Тақдирнинг биз ғарибларга тайёрлаган муждаси шу бўлгандан кейин, нима ҳам қиласардик,—деди.

Еттинчи боб

ОИДИН ҚЕЧАДА

Ғуломжон тилга олинмаган, лекин ҳаммалари тушуниб турган даҳшатли зарбанинг оғир юкини ҳужрасига күтариб кирди. Токчадаги чироқни ёқиб, хонтахтага келтириб қўйди. Кечадан бери ғашлик кемириб келган қалбининг йиғисини эшитаётгандек, кузларини юмиб, бир зум хонтахта устида турди. Ўз аҳволи, ҳаётининг аҳволи, онасининг ётиб қолгани ёқасига чанг солди. «Е оллоҳ, илтифотингда яна қандай зарбаларинг бор?» деб ўйлади-ю, секин хонгахта ёнига ўтириди. Олдига оқ қофоз қўйиб, довотни ёнига сурди. Ичидаган ҳислар булоғи қўлига қалам олдирди. Диlidан ўпирилган фарёд қофозга кўча борди.

Кўнгил, йиғла, фифонинг кўкка чиқсин!
Утинг олсин фалакни, осмонни йиқсин!
Ебуз тақдир тиф урди қалбима, дод!

Нетай энди тугалди сабрим, ҳайҳот!
Дилим дардли, тилимда оху зорим,
Қорарди толеимдан рүзгорим.
Сафолат бошими ерга қаратди,
Шириң орзу-умидларни таратди.
Қаён урсам фифон бирлан бошимни?
Қаёқ борсам түкиб күздин ёшимни?
Севарга севлириб, таңгirim, қилиб хор,
Очиқ кеткىзмагил күзимни зинҳор!

Ғуломжон навбатдаги сатрга қалам урганда, ҳужрасининг эшиги секин очилди. У ялт этиб қаради-ю, отасини күриб, қаламини хонтахтага қўйди, ўрнидан қузғалиб, отасига жой курсатди.

— Баҳузур ўтираверинг,—деди отаси ўтиришга кунмай,— бир оғиз гапим бор, айтаману чиқиб кетаман. Хайрият, онангизнинг аҳволи анча тузук булиб қолди, иситмаси ҳам қайтди. Боя аччиқина хўрда қилиб қуювдим, ичиб олди. Ишооллоҳ, эртага туриб кетар, бэмайлихотир ётаверинг.

Отаси чиқиб кетгандан кейин Ғуломжон булинниб қолган сатрни давом эттирмоқчи бўлди. Лекин миясига бир ўй келди-ю, сатр давоми келмади. Онасиning аҳволи яхшилангани безовталигини бирмунча пасайтириди. У ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Осмонда юлдузлар чараклар, тўлин ой шарқдан чиқиб келар эди. Ойни кўриб, юраги ойдин бўлди. Осмон чаманига суқланиб, супада бир оз ўтириди. Кучадан беркинмаочқ ўйнаётган болаларнииг қий-чуви эшитилди. Бирори чирқираб йиғлар, яна бирори қийқириб кулар эди. «Болалар, болалар, кулгингиз ҳам, йиғингиз ҳам яхши, лекин катта бўлганингизда бошингизга не савдолар тушар экан? Мен ҳам бир маҳаллар сизлардай бегам, бедард эдим. Мана энди нима бўлдим? Дарёнинг бул юзида қолиб, ул юзидағи ёримга етолмай қақшаган бадбахт ошиқ шўри бошимда». Ғуломжон ўйлар, ўйларига хотима тополмай толиқар эди. «Бечора ошиқ, дарёга ўзини ташласинми? Таваккал қилсинми? Муродига етармикан? Бу вафосиз дунёда муродига етган бормикан?»

Ғуломжон айвонга чиқиб, дарчадан қариялар уйнга қулоқ солди. Отасининг хуррагини эшитиб кунгли равшан топди. Онаси ҳам пиш-пиш ухлар эди. Ана шундан кейин шахдам қадамлар билан ташқарига чиқди. У ерда отлар касир-кусур беда кавшашар эди. Саман шарпани эшитиб кишинади. Ғуломжон отхонага кириб, тўкилган

бедаларни охурга териб солди, қоронғида ҳам күзлари чақнаб турган саманини пешанасидан силаб, суйиб қўйди. Кейин тамба ўрнига узун занжир урилган кўча эшигини қия очиб, кучага чиқди. Эшикни ёпиб, гузар томонга юрди. Болалар ҳали ҳам кучада туплони қилиб юришарди. Куз ҳавосининг суюкларни зирқиратувчи совуғига қарамай гузарда чойхўр кўп эди. Фуломжон самоварга эмас, мачит томонга қараб бурилди. Айвонли дўконлар ёнидаги марвартак тутга етганда, рўпарадан келаётган кишини таниб, ўзини четга олди. Лекин у одам:

— Фуломжон, сизмисиз?—деб сураб қолди.

— Ассалому алайкум, эшон ака, менман,— деди Фуломжон ҳам сурашишга мажбур бўлиб.

У Ҳаётнинг отаси Мадаминхўжа эди. Фуломжон ким томондан рад қилинганини, ким унинг баҳтига рахна солганини билмас эди. Шунинг учун ҳам қиз отасининг илтифоти унга масҳарадай туюлди. «Қилар ишни қилиб қўйиб, яна бунинг мулла мушук бўлиб олганини», деб фижинди-да, совуққина таъзим қилиб, йулига равона бўлди. Мадаминхўжа унинг орқасидан қараб ачиниб қолди. Фуломжон бир неча одим юргандан сўнг, Мадаминхўжа:

— Мулла Фулом, тұхтанг-а,—деди.

Фуломжон тұхтаб орқасига қайрилди. Мадаминхўжа етиб келди. Йигитнинг хира ой ёруғида ҳам нафрати ошкор сизиб турган совуқ назари Мадаминхўжани шошиб қўйди. У айтар гапини йўқотиб, кузларини пилпиллатди-ю:

— Хайр, майли, кейин,— деб қайрилиб кетди.

Фуломжон унинг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб турди. Кейин мачитга кириб, унинг Отбозори томонидаги эшигидан чиқди-да, Манак йўлига тушиб, Ойдинкўлга кетди. Қишлоқдан ярим чақишимча юргандан кейин чаңга бурилди. Ойдинкўл шу ерда эди. Ой ёруғида кумуш товлаб турган кўлнинг чап қирғоғи билан пастга тушиб борди. Суви анча тортилиб қолган кўлнинг шимолий этаги қишлоқ уйларининг ҳовлиларига бориб тақалар эди. Фуломжон қуруқ шохлар билан тўсилган ҳовлилардан бири ёнида тұхтади. Юраги дукурлаб ура бошлади. Бу Ҳаётларнинг ҳовлиси эди. Фуломжон севги васвасасига учганини, шаънига ярашмаган қилиқ қилганини энди англади. Келишга келди-ю, ўзи пушаймонда қолди. Бирор кўриб қолса нима дейди? Ўзи бадном бўлиши

устига бегуноқ Ҳаётни шарманда қилмайдими? Ота-онасининг кўзига, эл кўзига қайси бет билан қарайди? Йўқ, кетиши, дарҳол кетиши керак! Борди-ю, шохлар орасига беркиниб олса, узоқдан бўлса ҳам дилдорини бир кўриб кетса-чи? Балки Ҳаёт ҳам унга ташнадир? У ҳам Фуломжонни кўргиси келиб, юрагини пора-пора қилган аламларини бўлгиси келиб ўтиргандир? Раддия унинг ҳам қалбига тиф ургандир ахир? Йўқ, бўлар иш бўлди. Кетмайди, шохлар орасига беркинади-ю, ӯзини кўрмаса ҳам, изини кўриб кетади.

Фуломжон шундай қилди — омонатгина тиклаб қўйилган тол шохлари орасига кириб олди. Бу ердан ҳовли кафтдай куриниб турар эди. Саҳнда ҳеч ким йўқ, фақат айвон яқинидаги ўчоққа ут қаланган. Демак, ким бўлса ҳам чиқади. Ўчоқдаги ут Фуломжоннинг ташвишли юрагига умид бўлиб кучди. У томирларида элитувчи бир иссиқлик юргурганини сезди. «Борди-ю, Ҳаёт ётиб олган бўлса? Унда, унда... Йўқ, йўқ, бирор чиқди!»

Ўйдан Мастон кампир чиқиб, түғри ўчоқ бошига борди. У ерда утни ҳассаси билан туртиб, дўнғиллай бошлади. Ора узоқ бўлса ҳам, кампирнинг эркакча товуши Фуломжонга баҳузур етиб келди.

— Ҳай, ўтинг ўлибди-ку, шох олиб келсанг-чи!

Ўйдан олдинда Ҳаёт, орқада бир нима кўтариб онаси чиқди. Фуломжон Ҳаётни курди-ю, юраги шифиллаб, кўз ўнги хираланди. У бир зум ӯз-ӯзини йўқотиб, нест булиб колди. Уни Мастон кампирнинг дағдағаси ҳушига келтирди.

— Ўтин ўлгурни кундузи тайёрлаб қўйсанг ularми-динг! — деди у, типирчилаб қолган Ҳаётга. — Чиқ, томдан шох олиб туш!

— Қўйинг, буви, қоронғида йиқилиб-нетиб кетмасин тағин, — деди Ҳаётнинг онаси ўртага тушиб. — Шу ўртадан топармиз.

Кампир яна дўнғиллади.*

— Бор бўлмаса, этакдаги шохдан олиб кел.

— Йўғ-е, хилватга бормасин, ӯзим олиб келаман, — деди яна кунгли бўлмай онаси.

Ҳаёт кўнмади, жажжи қизларга хос бир адо билан:

— Во-ей, сизам бир қизиқсизки, буви, нима, мени бўри еб кетармиди? — деди-ю, ҳовли этагига юриб кетди.

Фуломжон Ҳаётнинг аранг етиб келган майн товушини эшитиб, юраги қинидан чиқиб кета ёзди. Ӯзининг